УзССР Давлат китоб палатаси
Рес. китобхона ДАК в УзССР

Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقاتی

1993 йил 4 ноябрь
ПАЙШАНБА
№ 123 (5.564).
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ УФҚЛАР ОЧГАН САФАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Францияга давлат мақомидаги ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланди.

...Гўзал мислсиз Париж юксак мартабали меҳмонларни кўплаб кутиб олган, бундай тантаналарга кўникиб кетган. Шундай бўлсада, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи барчада алоҳида қизиқиш уйғотди. Чунки, Марказий Осиё минтақасидаги бу йирик мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон. Французлар учун бу ишончли ҳамкорликнинг муҳим гаровидир.

Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран Ислом Каримовнинг Парижга ташрифининг муҳимлиги ҳақида гапирар экан, бу ташрифни шундай таърифлади: «Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган алломаларни етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини тортиб келган. Бу ташрифдан кейин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз биз учун янада яқин бўлиб қолди. Янги Европа учун Париж хартиясининг ҳамда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши давлатларимиз ва халқларимиз олдида янги истиқболлар очади. Французларнинг феъли шундайки, улар муҳим бир қарорга келишдан олдин вазиятни ўзоқ ва батафсил ўрганади, ҳамма нарсани тарозига солиб кўради. Бир қарорга келгандан кейин эса, бу қарордан асло қайтмайди».

Президент Ислом Каримовнинг француз ишбилармонлари Миллий Кенгашида бўлиб ўтган учрашувида ҳам бу фикр такрорланиб турди. Учрашувга йирик давлат ва хусусий фирмалар, компаниялар, банкларнинг вакиллари йиғилган эди. Кенгаш ишбилармонларга ҳар томонлама кўмак бериб ва уларни қўллаб-қувватлабгина қолмай, Франциянинг ўзида ва хорижда уларнинг манфаатларини ҳимоя ҳам қилади.

Ишбилармонлар Кенгаши вице-президенти Филипп Жискар Д'эстен олий мартабали меҳмонни қутлар экан, Франциянинг ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдан ўта манфаатдор эканини таъкидлади. Бироқ улар маблағ ўтказиш, йирик лойиҳаларга сармоя сарфлашдан олдин саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли соҳаларидаги аҳволни муфассал ўрганишлари зарур. Шунинг учун ҳам бу учрашув ҳамкорлик истиқболларни ва Франция ишбилармонлар доиралари намоядаларининг манфаатларига оид жуда кўп саволларга жавоб бериши лозим.

— Жаноб Президент,— деди Филипп Жискар Д'эстен,— Кенгашимиз аъзоларини биринчи навбатда учта муҳим саволга берадиган жавобларингиз қизиқтиради. Бу саволлар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг қандай устивор йўналишлари бор, қўйилган капитал маблағ қай даражада фойда беради, француз ишбилармонларига қандай кафолатлар бера оласиз? Мамлакатингиз молиявий сиёсатининг асосий принциплари нималардан иборат, Россия билан муносабатларингиз қандай, Ўзбекистон рубль зонасида қоладими? Ва сўнгги савол: Ўзбекистон Марказий Осиё бозорини яратиш ташаббускорларидан бири бўлиб чиққан эди. Ҳозир республикангизнинг яқин қўшилар билан муносабати қандай, қўшилиш жараёнлари қандай бораяпти?

Кўриб турибсизки, саволлар жўн эмас. Асосий фикрни беркитиш учун мажозий тилда гапирадиган сиёсатчилардан фарқли ўлароқ, ишбилармонлар мақсадни тўғри, очиқдан-очиқ баён қилиб қўяқолишади. Чунки, барча ишни охир-оқибатда молия, сармоялардан келадиган фойда ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир соатга яқин давом этган нутқи қарсаклар билан бўлиниб турди. Саволларга жўнда, аниқ жавоблар олинди.

— Ўзбекистон улкан меҳнат воситаларигагина эмас, бой иқтисодий имкониятга ҳам эга,— деб таъкидлади Президент.— Пахта, олтин, рангли ва нодир металлар— ёш, мустақил давлатимиз бойлигининг кичик бир қисми, холос. Сизларни кафолат масаласи қизиқтиряптими? Ишончингиз комил бўлсин, саймоқли кафолатларимиз бор. Биз Парижда сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича битимга имзо чектик. Бу — давлат бош кафил вазифасини бажаради, деган гап. Ўзбекистон бозорга тадрижий равишда киришга асосланган ўз иқтисодий тараққиёт йўлини танлаган. Кейинги икки йил ичида биз Ғарбнинг бир неча етакчи банк ва компаниялари билан фаол равишда ҳамкорлик қила бошладик. Швейцария банклари ва бошқа банкларга жойлаштирилган юксак сифатли ўзбек олтини ва бошқа маблағларимиз кафолатнинг ишончли далилларидир. Мен бизнинг иқтисодий ҳамкорларимиз қаторига йирик француз банкларидан бири — «Креди коммерсиалб» банки ҳам қўшилганини мамнуният билан қайд этаман. Бу банк Бухоро нефти қайта ишлаш заводи қурилишини маблағ билан таъминлайди. Аммо, афсуски, барча француз ишбилармонлари ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлига чиқишга шошилмаяптилар. Ўзбекистон иқтисодини тезликни тобора ошириб бораётган поездга қиёсласа бўлади. Бу поезднинг охирги вагонига ҳам илинмай қолиш хавфи борлигини унутмаслик лозим.

Кенг тармоқли Ўзбекистон иқтисодининг асосий вазифаларидан бири—хомашё йўналишидан чекиниш, рақобатбардошли тайёр маҳсулот чиқара оладиган корхоналар тармоғини кўпайтиришдан иборат. Шу ўринда бизга Франция тажрибасидан фойдаланиш қўл келиши мумкин.

Россия билан муносабатлар ҳақида. Ўзбекистон тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорлик қилиш тарафдори. Тарихан шундай бўлганки, Россия бизнинг асосий ҳамкоримиз эди ва ҳозир ҳам шундай. Аммо бу ҳамкорликнинг бошқа йўлларини қидирмаяпмиз, деган гап эмас. Ҳозир Ўзбекистонни йирик денгиз портлари ва Хитой билан боғлайдиган Трансосиё автомобиль ва темирйўл қурилиши масаласи ишлаб чиқилмоқда. Бу йўлларнинг ёш, мустақил давлат учун қай даражада аҳамиятга молик эканини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Республикамизнинг рубль зонасида қолишидан ташвишда эканликларингиз кўриниб турибди. Бу ўринда бизнинг позициямиз шундай: биз албатта ўз миллий валютамизга ўтамиз. Ўзбекистон бунга ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр. Бироқ, бу ишда ортиқча шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаслигини айрим қўшниларимиз тажрибаси кўрсатиб турибди. Ҳозир кўп нарса Россия раҳбарияти ва Марказий банкининг позициясига боғлиқ. Биз улар томонидан бирон-бир зўравонлик бўлишига йўл қўймаймиз. Ўзбекистон билан Қозоғистон ягона Марказий Осиё бозорини яратишнинг ташаббускорлари бўлиб чиқишган эди. Мантиққа асосланган бу қарорнинг тўғрилиги исботини топмоқда. Бозор эндигина шакллана бошлаяпти. Аммо, минтақадаги бошқа республикаларга қараганда Қозоғистон билан ҳамкорлигимиз яхши тараққий этяпти. Бунинг сабаби нимада? Бу саволнинг жавоби оддий: иккала республикада иқтисодиёт тараққиёти учун муҳим шарт бўлган осойишталик барқарор.

Кейин Ислом Каримов ишбилармонларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Бу савол-жавобларнинг айримларини келтирамиз.

(Давоми 2-бетда).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЁРҚИН ИҚБОЛИ, ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ

Суҳбатдошимиз У. А. Аширбековнинг мутахассислиги сув хўжалиги инженери. Сув хўжалиги ва қурилиш соҳасда масъул лавозимларда хизмат қилган. Тахтакўпир район партия комитетининг биринчи котиби, Тахтакўпир район ҳокими бўлиб ишлаган. Ўтган йил июнь ойида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси лавозимига сайланди. Ўзбекистон халқ депутати. Онлари, олти фарзанди бор.

— Уббиниёз Аширбекович, Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, халқ хўжалиги соҳасидаги ўрни ҳақида сўзлаб бермасангиз.

— Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва халқ хўжалиги соҳасида муҳим ўринни эгаллайди. У мустақил мамлакатимиз таркибига кирувчи ягона мустақил республикадир. Бундай имкониятга ҳукуматимиз раҳбарияти, шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов олиб бораётган одил сиёсат туфайли эришилди. Халқимиз юртбошимиз томонидан ички ва ташқи сиёсатда амалга оширилаётган ишларни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Халқ хўжалиги, айниқса қишлоқ хўжалигида тадбиқ этилаётган ислоҳотлар ишлаб чиқаришга изчил жорий қилинмоқда.

Президентимизнинг яқинда Сирдарё вилояти сессиясида сўзлаган нутқи ишга масъулиятимизни янада оширди. Барча тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳаётга изчил тадбиқ этишни, назоратни кучайтириш, камчиликларга аёвсиз ва муросасиз бўлишни талаб қилди. Ҳозир ишларимизни қайтадан кўриб чиқаяпмиз.

Қорақалпоғистоннинг ўз Конституцияси, қонунлари, парламенти — Олий Кенгаши, ҳукумати — Вазирлар Кенгаши мавжуд. Шунингдек, мустақил республика ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаолият кўрсатиши учун зарур идоралар ва Олий Суд ишлаб турибди.

Республика халқ хўжалиги кўп тармоқли. Саноатнинг ўзи 16 соҳадан иборат. Қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулотлари етиштирилади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятлари ўртасида баъзи маҳсулотлар етиштириш юзасидан олдинги ўринни эгаллайди. Масалан шолидан биринчи, электр энергияси ишлаб чиқариш юзасидан учинчи, қорақўл теридан бешинчи, темир-бетон конструкциялар ва маҳсулотлари ҳамда ғишт тайёрлаш бўйича еттинчи ўриндамиз. Ўтган йили саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш Ўзбекистон саноати маҳсулотининг 1,6 фоизини ташкил қилди. Саноатда қишлоқ хўжалиги ҳом ашёси ҳисобланган пахта толаси, шоли, гўшт, сут, жунни дастлабки қайта ишлаш корхоналари етакчи ўринни эгаллайди.

Бахтимизга юртимиз табиий бойликларга бой. Нефть, газ, ош сульфат-магнизий тузи, таркибида олтин бўлган руда, платина гуруҳи таркибига кирувчи камёб металлар, турли хил қимматбаҳо тошлар, керамика ва цемент тайёрлаш учун зарур хом ашёнинг 200 дан ортиқ конлари аниқланган. Бойликлардан келгусида тўла фойдаланиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Республика саноатини жадал ривожлантириш учун барча имконият бор.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилишича, республикада кальций содаси олиш имконияти бўлган 10 миллиард тонналик хом ашё заҳираси мавжуд. Бу маҳсулот жаҳон бозорида ниҳоятда харидоргир. Ҳозир йилига 10 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод қуриш режаштирилмоқда. Умуман табиий бойликлардан оқилона, имкони борича улардан тезроқ фойдаланиш тўғрисида ўйламоқдамиз.

Қорақалпоғистон йилига 100 минг тоннадан зиёд пахта толаси, 300 минг тонна шоли, 150 минг тоннага яқин мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 900 тоннагача пилла, 1500 тонна жун, 100 минг дона қорақўл тери, 400 минг донадан зиёд турли хил чарм хом ашёси, беда уруғи, юзлаб тонна буғдой етиштиради. Республика мунтазам равишда четга пахта толаси, пилла ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиб келмоқда.

— Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган бир пайтда халқ хўжалигида қандай хайрли ўзгаришлар юз бераяпти!

— Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Биринчи ўринга аҳолини ўсиб бораётган нарх-наводан ҳимоя қилиш вазифаси қўйилган. Бозорга босқичма-босқич ўтилаётганлиги, ҳукумат томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, жорий этилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлиги туфайли республикада шароит яхшиланиб бормоқда. Ҳаёт тинч, барқарор. Халқ етарли миқдорда зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланяпти.

Биринчи ўринда бозор шароитига ўтиш учун зарур база яратилаяпти. Жаҳон иқтисодиёти интеграцияси даражасида етарлича шарт-шароит яратиш мақсадида зарур ҳуқуқий пойдевор яратилаяпти. Масалан, иқтисодий структурани ўзгартириш, кредит-молия ва банк тизими, ташқи иқтисодий фаолият юзасидан бир қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусийлаштириш ва ислоҳотлар бўйича ҳукумат дастури ишлаб чиқилган. Улар ҳаётга тадбиқ этилаяпти. Кадрларни тайёрлаш тизими такомиллаштирилмоқда. Табиийки, булар ҳаммаси иқтисодиётни яхшилашга, жаҳон талаблари даражасида корхоналар қуришга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиётида мулкчиликни шакллантиришда хусусийлаштириш энг мақбул усул эканлигини чет эл мамлакатлари тажрибаси тасдиқлаб турибди. Бизда бу борада жамоаларнинг ўзлари ташаббус билан чиқаяпти. Ҳозиргача 1570 та муассаса, уй-жой ва корхоналар хусусийлаштирилди. Жорий йилда режалаштирилган 85 давлат хўжалигининг ҳаммаси ҳозиргача жамоа, ижара, ширкат хўжалиги, мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилди. 98 та сут-товар фермаси жамоа мулки қилиб берилди. Фермер хўжаликларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Улар маҳсулот етиштиришда республика режасига муносиб улушларини қўшмоқдалар. Фермерларга ер, сув, техника ва бошқа зарур воситалар билан яқиндан ёрдам берилмоқда. Ҳозир 1080 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлиги туфайли халқ хўжалигининг қатор тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми сезиларли даражада ўсди. Масалан, жорий йилнинг тўққиз ойида ўтган йил шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 5 фоизга, халқ истеъмоли моллари эса 13 фоизга ошди.

Республиканинг қурилиш соҳасида қувончли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Корхоналарнинг даромади кўпайиб, давлат томонидан маблағ бериш фоизи камаяпти. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, оғир иқтисодий шароитга қарамасдан, жорий йил шу даврида ўтган йилнинг ҳозирги пайтига нисбатан бир қанча умумтаълим мактаблар, касалхоналар, поликлиникалар, турар жой уйлари кўп қурилганлигини кўриш мумкин.

Аҳолини газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам олдинга силжиш бор. Президентнинг ушбу масалаларга оид фармонлари бажарилиши назорат остига олинган. Ҳозиргача 322 чақирим масофага ичимлик суви қувури тортилди, 453 чақиримга эса газ ўтказилди. Хуллас, ижобий ўзгаришларни аста-секинлик билан қўлга киритаяпмиз. Давлатнинг бюджет даромади режаси 107,6 фоизга уддаланди. Йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида корхоналар, ташкилотлар томонидан 6087 миллион сўм фойда олинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 15 баравар кўпдир.

— Об-ҳаво қийин келган бу йилги шароитда Қорақалпоғистонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Буни кунлик хом ашё топшириш ва республиканинг вилоятлар ўртасида тутган ўрнидан ҳам билса бўлади. Умуман жорий йил қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун қандай келди?

— Ниҳоятда яхши келди, дейиш мумкин. Айниқса, пахтакорларимиз ҳақиқий қаҳрамонлик намунасини кўрсатишди. Об-ҳаво инжиқликлари, ҳароратнинг етарли даражада бўлмаганлигига қарамай мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир хом ашёни йиғиштириб олиш қизғин давом этмоқда. Кунига режанинг бир фоизидан ошириб оқ олтин тайёрланяпти.

Режани уддалаётган район ва хўжаликлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозир Элликқалъа, Тўрткўл, Амударё, Тахтакўпир районлари заршунослари топшириқни бажариб, мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқдалар. Яна икки район манзил сари яқинлашмоқда. Республика ҳам яқин кунларда олинган режани уддалайди. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Ниятимиз ялпи хирмонни 330 минг тоннадан оширишдир.

Жорий йил қишлоқ хўжалигида етакчи ўринни эгаллаган шоличиликда ниҳоятда мўл ҳосил етиштирилди. Шоли йили бўлди дейиш мумкин, 15 октябрда давлатга 225 минг тонна дон топширилиб режа уддаланди. Топшириқни бундай пайтда бажариш юртимиз тарихида бўлмаган. Ҳосилдорлик айрим жамоаларда топширидаги 40 центнер ўрнига 50 центнерга етди. Нукус районидаги «Шўртанбой», «Россия» давлат хўжаликлари бунга мисол бўла олади. Ҳали ўриб олинмаган шолизорлар кўп. Маҳсулотнинг бир граммини ҳам қолдирмай йиғиштириб, халқимизнинг гуруччга бўлган талабини қондиришга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Чорвачиликда ҳам ижобий ўзгаришлар юз бераяпти. Жорий йилнинг ҳозиригача бултур ана шу пайтга нисбатан гўшт, парранда гўшти, сут етиштириш кўпайди.

— Қўшма корхоналарнинг халқ хўжалигидаги ўрни қандай! Улар қандай маҳсулот ишлаб чиқараяпти! Аҳоли эҳтиёжини қондиришда уларнинг ҳиссаси қай тарзда бўлмоқда!

— Қўшма корхоналар йил сайин кўпайиб бормоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулот аҳолига манзур бўлмоқда. Республикамиз хом ашё базаси бўлганлиги сабабли бизда бундай корхоналарни келгусида ҳам кўплаб қуриш имкони мавжуд.

Асосий эътибор чет эл корхоналари билан ҳамкорликда ишлашга қаратилмоқда. Бу ҳозирги шароитда ҳар тарафлама фойдали. Маҳсулотнинг сифати яхши бўлишига кафолат бор. Яқинда Туркия давлати билан ҳамкорликда йилига 6 миллион дона ички кийим чиқарадиган «Катекс» акционерлик уюшмаси ишга туширилди. Дастгоҳларни олиб келиш, уларни созлаш, кадрларни тайёрлашнинг ҳаммасига биродарларимиз ёрдам беришди. Яна турклар билан ҳамкорликда келгуси йили Элликқалъа районида йилига 53 миллион долларлик маҳсулот чиқариладиган тўқимачилик комплексини ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Қўшма корхоналар қурилиши юртимиздаги хом ашё, шарт-шароит, ишчи кучи, аҳолининг маҳсулотга талаби ҳисобга олинаяпти. Хитой давлати билан мебель ишлаб чиқарадиган корхонани ишлаб чиқариш тўғрисида битим имзоланди. Ҳозир зарур техникани олиб келиш тўғрисидаги масала ечилмоқда. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб Қорақалпоғистон — Туркия савдо корхонаси ишлаб турибди. Республика аграр бўлганлиги сабабли чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўпчилиги шу тармоққа мансуб. Биз бу борада ишни янада яхши йўлга қўйиш учун тармоққа чет эл маблағи ва технологиясини жалб этишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бу қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга ёрдам бериб, маҳсулотнинг сифатли бўлиши ва хом ашёни шу ернинг ўзида тўла қайта ишлаш имкониятини яратади.

Суҳбатдош
Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

Навоий вилояти меҳнаткашларига

Муҳтарам дўстлар!

Эришган катта меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин!

Табиат инжиқликларини мардонавор енгиб, бебаҳо бойликлар макони бўлган Навоий заминида 125 минг тонналик улкан пахта хирмонини бунёд этганингиз саодатли кунларимизга сизлар инъом этган муносиб совғадир. Яратган бу бойлигингиз она-Ватанимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, дастурхонимиз файзу баракасини оширишга ва иқтисодимизнинг юксалишига хизмат қилажак.

Ишончим комилки, навоийлик меҳнаткашлар даладаги ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиштириб оладилар, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритиб, 1993 йилни самарали якунлайдилар. Бу борада сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омадлар тилаймман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

ЧЎЛ ДУРДОНАСИ

Бу йил 2190 гектар майдонга ўрта ва ингичка толали пахта уруғи қадаб, деҳқончилик йилини яхши ният билан бошлаган эдик. Чунончи, 1.100 гектар ерда ипак пахта етиштирдик. Деҳқонларимиз мавжуд майдонларда мўл ҳосил тўплашди. Биринчи довон — йиллик пахта тайёрлаш режасини аллақачон адо этиб, анчадан буён мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдамиз. Пахтакорларимиз ўрта ва ингичка толали майдонларнинг ҳар гектаридан ҳозиргача 30 центнердан хирмон кўтаришди. Тайёрлов пунктларига 5475 тонна ўрнига 6800 тоннадан зиёд чўл дурдонаси етказиб берилди.

Унлаб бригадаларда ҳосилдорлик 35-40 центнердан ошиб кетди. Айниқса Бахтиёр Камолов, Шомурод Очилов, Шоҳигул Султонова, Бешбой Жуманазаров, Сафар Қодиров етакчилик қилаётган жамоаларда ҳосил яхши бўлди. Сафар Имомов, Ҳамза Камолов, Карим Жуманазаров, Нормамат Шойиев сингари «пўлат от» даргалари хирмонга 150-200 тоннадан дур-жавоҳир тўкишди.

Амрулло ЧОРИЕВ,
Касби туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

ХИРМОНГА БАРАКА!

ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1993 ЙИЛ 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Вилоятлар	Режадагига нисбатан фоиз ҳисобида: Жами — Бир кунда	Жами — Мавсум бошидан	Шу жумладан машина терими — Бир кунда	Шу жумладан машина терими — Мавсум бошидан
Хоразм	**0,26**	**115,23**	**0,31**	**29,92**
Бухоро	**0,38**	**115,22**	**0,02**	**28,10**
Қашқадарё	**0,58**	**109,32**	**0,31**	**94,47**
Навоий	**0,28**	**101,43**	**0,16**	**60,69**
Сурхондарё	0,68	97,62	0,14	51,49
Қорақалпоғистон Республикаси	0,79	96,63	0,29	64,18
Андижон	0,19	88,57	0,09	33,84
Фарғона	0,32	80,50	0,03	16,25
Тошкент	0,08	75,40	0,05	60,32
Самарқанд	0,72	74,42	0,38	39,29
Наманган	0,17	74,37	0,00	26,18
Жиззах	0,11	73,44	0,14	71,84
Сирдарё	0,20	58,68	0,07	48,92
Республика бўйича	0,38	89,58	0,15	51,95
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	0,89	89,47	0,00	0,00
Қашқадарё	0,60	80,13	0,00	0,00
Наманган	0,00	19,23	0,00	0,00
Андижон	0,00	0,00	0,00	0,00
Навоий	0,00	0,00	0,00	0,00
Республика бўйича	0,81	86,62	0,00	0,00

БУГУН ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

— ДЕЙИШМОҚДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЁШЛАРИ

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг давлатимизнинг бош қомуси — Конституциямиз қабул қилинган кунининг бир йиллиги муносабати билан «Барчамизнинг ўрнимиз пахтазорда» шиори остида умумреспублика ёшлари ҳашарини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар.

— Катта меҳнат эвазига етиштирилган оқ олтинни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш барчамизнинг бурчимиз — дейди вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалик ишлари бўйича муовини Баҳтиёр Исроилов. — Об-ҳавонинг ноқулай келиши терим суръатини сусайтириб юборди. Сурункали ёмғир натижасида далаларга терим агрегатлари киролмаяпти. Ҳозир асосий куч қўл теримига қаратилган. Ҳар бир кун, ҳар соат ғанимат. Бу йил вилоят деҳқонлари катта синов арафасида туришибди. Ана шундай долзарб паллада ёшларнинг ўз ҳоҳишлари билан ёрдамга келишлари айни муддао бўлди. Ҳозир пахтазорларда 30 мингдан зиёд ўқувчи ва талабалар миришкорларга ёрдам беришмоқда.

Арнасой, Пахтакор, Зарбдор районлари мактабларининг юқори синф ўқувчилари, Жиззах политехника олий билимгоҳи, Педагогика билим юрти, Индустриал техникуми талабалари ҳам ташаббусга жавобан теримда қатнашиб ҳосилни охирги мисқолигача териб олишда пахтакорларга камарбаста бўяпшларини билдиришди. Вилоятда энг кўп пахта берадиган хўжаликлардан бири Пахтакор районидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги далаларида А. Қодирий номли Жиззах давлат пединститутининг математика ва меҳнат таълими куллиёти талабаларидан 550 нафари меҳнат қилишмоқда. Уларнинг шу кунгача терган пахтаси 1100 тоннадан ошди.

Теримчи талабалардан М. Маткаримова, Н. Бекназарова, Х. Қодирова, Ш. Рустамова, С. Қиргизгитов ва Н. Мусоқуловлар кунига 130—140 килограммдан пахта териб хирмонга тўкаётган бўлсалар, педагогика билим юртининг мактабгача тарбия ва бошланғич таълим гуруҳи талабалари Нигора Фармонова, Наргиза Мамарасулова ва Кулаш Қашқарбоевалар ҳам кунига 120—130 килограммдан «оқ олтин» териб бошқаларга ўрнак кўрсатишаётир. Уларнинг ҳар бирининг шу кунгача терган пахтаси 4 тоннадан ошиб кетди. Қомусимизнинг бир йиллиги шарафига 6 ноябрда вилоят ёшлари ўша кунги ишлаб топишган маблағларини республика ёшлар фондига ўтказишга қарор қилишди.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.

ЯНГИ УФҚЛАР ОЧГАН САФАР

(Боши 1-бетда.)

— Жаноб Президент, Франция халқаро банкини сизлар олтинингизни банкда қандай шартлар билан сақлашингиз, уни қандай нархда сотишингиз қизиқтиради?

— Биз жаҳон бозорида олтиннинг нархини туширишни ёки кўтариш йўлидан бормаймиз. Бошқа собиқ иттифоқдош республикалардан фарқли ўлароқ, бизнинг қарз варағимиз топ-тоза. Бу — биз ҳеч кимга собиқ СССРнинг қарзларини тўламаймиз, деган гап. Шу билан бирга, унинг хорижий банклардаги маблағига даъвогар ҳам эмасмиз.

— Жаҳон банки билан муносабатларингиз қай даражада? Афтидан у сизларга ёрдам кўрсатишга шошилмаётганга ўхшайди...

— Бизнинг молиявий сиёсатимиз шундай асосга қурилганки, биз ҳеч кимдан қарз сўрамаймиз. Жаҳон банки билан ўзаро муносабатларимизга келсак, у Ўзбекистонда замонавий банк тизимини вужудга келтириш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш учун бизга 21 миллион доллар ажратди. Хозир ишлаб чиқилаётган бундан ҳам йирик лойиҳалар бор. Улар — қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш, Орол денгизини сақлаб қолиш, тўқимачилик саноатини қайта жиҳозлашга оид лойиҳалардир.

— Франция корхоналари анчадан бери ўзбек пахтасини ишлатишади. Ўзбек пахтасининг юксак сифати бизга маълум. Шунинг учун ҳам биз ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Бундан кейин ишни қай тарика олиб бормоқчисизлар, пахта толасини қандай шартларда сотасизлар?

— Мустақилликнинг дастлабки палласида биз бартер — мавоза усулида ишлашга мажбур эдик. Энди мавозадан воз кечиб, ўзаро ҳисобкитобларнинг ҳамма қўллайдиган йўлига ўтдик. Ўзбекистон бу соҳада Франция билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Пахтани мавжуд жаҳон нархларида сотамиз.

— Бизнинг қанд лавлаги ўстириш ва уни қайта ишлаш бўйича технологиямиз бутун жаҳонга машҳур. Ўзбекистоннинг қанд-шакар сотиб олишда жиддий қийинчиликларга дуч келаётгани ҳам бизга маълум. Бу соҳада биз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормисизлар?

— Шубҳасиз! Биз қанд-шакарнинг ҳаммасини сотиб оламиз. Аммо, пахта майдонларини камайтириб, серҳосил ерларни кўпайтираётганимиз келажакда қанд-лавлаги ўстиришни ҳам йўлга қўйиш имконини беради. Биз бу масалани жон-жон деб муҳокама қиламиз. Ҳозир ватандошларингиз билан Ўзбекистонда қанд-лавлагини қайта ишлайдиган иккита завод қурилиши ҳақида фаол музокаралар олиб боряпмиз.

— Жаноб Президент, Ўзбекистон жаҳондаги энг кучли транспорт самолётлари ишлаб чиқаради. Лекин, ишончли мотор муаммосита дуч келаётганингиз ҳам бизга маълум. Бизнинг фирмамиз кучли моторлар, шунингдек бошқа жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу борада ҳамкорлик қилиш имконияти борми?

— Нега бўлмасин?.. Биз Англия, Америка, Германия фирмаларидан яхши таклифлар оляпмиз. Жиҳозларга келганда шуни айтишим лозимки, биз аэропортларимизни қайта жиҳозлашга 2,5 миллион доллар ажратдик. Бу ишлар амалга оширилганидан кейин аэропортларимиз жаҳон талабларига жавоб бера олади.

...Кўпни кўрган француз сиёсатчилари, оммавий ахборот воситалари ва хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий ташрифининг жуда тиғиз ўтаётганидан ҳайрон эдилар. Бир кеча-кундузнинг ўн олти соати давомида-ю лаҳзаларгача банд қилинган эди. Гапимнинг исботи учун сафар дастуридан қисқа парча келтираман. «15.50 — Франция Миллий Мажлиси биноси — «Лассэ» саройига жўналади. 15.58 — «Лассэ» саройига етиб келиниб, Франция Миллий Мажлиси раиси Ф. Сегэн билан учрашув бўлади. 16.55 — Лаврга жўнаб кетилади». Эрта саҳардан то ярим тунгача шу тариқа ишланди.

Бордо шаҳрида Ислом Каримов «Мираж» қирувчи ва «Фалькон» фуқаро реактив самолётлари ишлаб чиқарадиган машҳур «Дассо» самолётсозлик компанияси раҳбарлари билан учрашаётганида мен Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан-Поль Везиан билан суҳбатлашдим. Ўзбекистон Республикасининг Парижга ташрифи тиғиз ва самарали бўлишида унинг хизмати катта эди. Бундай тиғиз ва самарали ташрифлар йилда олтитадан кўп бўлмайди.

— Ислом Абдуғаниевич Каримов Франциянинг мамлакат раҳбарларидан тортиб ишбилармонларига қадар турли доиралари намояндаларида жуда яхши таассурот қолдирди,— деди элчи.— Назаримда, бу ўринда унинг очиқлиги, ҳар қандай мавзуда гаплаша олиши, қизиқувчанлиги ҳам муҳим омил бўлди. Французлар бу инсоний фазилатларни жуда қадрлашади. Ўзингиз президентларингизга кўрсатилган эҳтиромнинг гувоҳи бўлиб турибсиз...

Париждан юборилган олдинги репортажларда хабар қилинганидек, Франция пойтахтида ўта муҳим ҳужжатлар имзоланди. Маориф, иккала мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар шундай ҳужжатлар сирасита киради. Кейинги битимда гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши биргалашиб кураш олиб бориш тўғрисида гап юритилади. Бу соҳада Франция катта тажрибага эга. Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёнинг жўғрофий жиҳатдан бу зарарли моддани тарқатиш учун қулай ўринга жойлашгани ҳисобга олинадиган бўлса, бу соҳадаги ҳамкорлик яхши самара бериши шубҳасиз.

Бундан буён Ўзбекистон ва Франция Фанлар академиялари ўртасида ҳам яқиндан ҳамкорлик ўрнатилади, парижлик мутахассислар Тошкент Давлат университетида дарс бера бошлайдилар. Ҳозир бизнинг мутахассислар «Креди Коммерсиаль» банкида тажриба ўрганишяпти. Шу банкда бўлиб ўтган учрашувда Ислом Каримов: «Биз билан ҳамкорлик қилган одам ютуқларни қўлга киритиши шубҳасиз,— деб ҳазиллашди.— Бизнинг мутахассислар банкларингизнинг янада нуфузли бўлиши ва янада бойиб кетишига кўмаклашишади!»

...Франция давлат мақомидаги ташрифнинг сўнгги куни эрталабдан делегациямиз Версалга борди. Бу шаҳарнинг чиройи, ҳашами, тўкин-сочинлигини сўз билан ифодалаш қийин. Инсониятнинг фахрига айланган бу мўъжизаларни яратган француз халқининг даҳосига таассуротлар айтасиз. Делегациямиз саройни кўриб бўлиб, автомобиллар карвони сари йўл олаётганида, Людовик XIV ҳайкалчаси майдонида тўпланиб турган, дунёнинг турли мамлакатларидан келган юздан ортиқ сайёҳ Каримовни кўриб қолиб, уни олқишлади. Президентимиз ҳам уларга шундай жавоб қилди. Кейин «Орли» аэропортига йўл олдик. Миллий гвардиячилар оркестри ижро этган иккала мамлакат гимнлари садоси остида тантанали кузатув маросими бўлди. Шу тўрт кунлик сафар туфайли Франция бизга анча яқин бир диёрга айланиб қолди!

Лев ЛЕВИН.
Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигининг махсус мухбири.
Тошкент — Париж — Тошкент

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида оммавий ахборот воситалари мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, молия вазирининг биринчи ўринбосари Т. Н. Гуськова, Ўзбекистон Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

«Янги рубль минтақаси»да ҳозир аҳвол қандай? Ўзбекистон ўзининг миллий валютасига ўтадими? Бу саволлар, табиийки, республикамизда яшовчи ҳар бир кишини ғоят қизиқтирмоқда. Журналистлар билан учрашув ана шу долзарб масалага бағишланди.

— Биз аввалига «ягона», кейинчалик эса олтита республика иштирокидаги «янги рубль минтақаси»да қолиш ҳақида Россия Федерацияси ҳукумати билан келишган эдик, — деди Б. Ҳамидов мухбирларга. — Лекин 1993 йилги пул намунаси — айтиш мумкинки, Россия миллий валютасининг муомалага чиқарилиши, айниқса, «янги рубль минтақаси» товарагида рўй берадиган воқеалар Россия ҳукумати раҳбарларининг бу ҳусусдаги гап-сўзлари ҳеч қачон самимий эмаслигидан дарак бераётир. Ҳолбуки, Ўзбекистонда ана шу келишувларга мувофиқ молия, солиқ ва банк тизимини ўзаро яқинлаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган, нуфузли комиссия, экспертлар республикамизнинг иқтисодий ривожланиш даражасини батафсил ўрганиб чиқиб, ижобий хулосага келган эди. Лекин, Ўзбекистонни янги нақд пул намуналари билан таъминлаш борасида қўйилаётган, илгари назарда тутилмаган, хусусан, пулни давлатлараро қарз сифатида бериш, унинг ярим миқдорини олтин билан кафолатлаш каби шартлар бизни ўзгача йўл тутишга мажбур қилмоқда Хуллас, шароит Ўзбекистонда миллий валютани жорий этиш дастурини тезлик билан ишлаб чиқишни тақозо этаётир.

— Россия Марказий банки билан йил бошидан буён музокара олиб борамиз, —деди Ф. Муллажонов. — Аммо бир тўсиқ бартараф қилинса, бошқаси пайдо бўлмоқда. Бу ҳаракатлар Ўзбекистонни «рубль минтақаси»дан четлатишга қаратилгандек таассурот қолдиради. Республика Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида миллий валютамизга ўтиш учун пухта ҳозирлик кўриб қўйилган. Агар шароит талаб этса, биз бу ишни амалга оширишга тайёрмиз.

Шундан кейин матбуот конференциясига қатнашчилари журналистларнинг бир қанча саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

РУБЛЬ ЗОНАСИ: ҚОИДАСИЗ ЎЙИН

Сўнгги ойларда «Янги тусдаги рубль зонаси» товарагида юз берган воқеалар Россиядаги ҳамма билан зўравонлик нуқтаи назаридан гаплашишга интилаётган Россия сиёсатчиларининг андишасизлиги тобора кучайиб бораётганидан далолат бермоқда. Улар ўзларини «демократ» деб ҳисоблаб, МДҲдаги ҳамкорларига нисбатан тазйиқ ўтказиш, зўравонлик усулларидан тобора кўпроқ фойдаланишмоқда. Чамаси, яқин ўтмиш хотиралари, марказ юзлаб халқларнинг тақдирини ҳал қилган, ҳамма Москванинг иродасини сўзсиз бажарган даврларни қумсаш Россиядаги янги раҳбарларнинг бир қисмига тинчлик бермаётганга ўхшайди.

Россияда 1961 — 1992 йилларда чиқарилган пуллар алмаштирила бошлаган пайтдаёқ, бу тадбир МДҲ мамлакатларига қарши қаратилгани равшан эди. 1993 йил намунасидаги янги пулларнинг муомалага чиқарилиши, аслини олганда, Россия миллий валютасини жорий этиш эди. МДҲ мамлакатлари билан эришилган ҳамкорликлар бузилиб, шу тадбир амалга оширилди. Россиянинг янги раҳбарлари ўз валютасини жорий этаётган мамлакатлар зиммасига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқлари кенгашининг 1992 йил 6 июлда Москва шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган «Айрим давлатлар миллий валютани жорий этган тақдирда рубль зонасидаги давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги битимнинг 1-моддасига мувофиқ рубль зонасидаги бошқа давлатларни уч ой олдин огоҳлантириш мажбуриятини юклайдиган шартнома остига Россия ҳукумати ҳам қўл қўйганлигини бутунлай «унутиб» юборди.

Россия раҳбарларининг айримлари катта ваъда ва кафолатлар билан зиммаларига ана шу мажбуриятни олган бир пайтда бошқалари ўз валютасини жорий этишга ҳар томонлама тайёргарлик кўргани мана энди равшан бўлиб қолди. 1992 йил декабрида чиқарилган янги пуллар фақат Россия банкларига тарқатилди; 1992 йилнинг ёзидан бошлаб МДҲ мамлакатларидан тўловларни ўтказиш тўхтатиб қўйилди, Ҳамдўстлик республикалари учун махсус аъолик ҳисоб варақалари жорий этилди, матбуотда мана шу бир томонлама тадбирга жамоатчилик фикри тайёрлана бошланди.

Россия зиммасига олган мажбуриятларни бузиб, ҳамкорларини ғоят оғир аҳволга солиб қўйди. Россия ҳудудида бир дақиқада ўтмас матаҳга айланиб қолган ўнлаб миллиард сўм пул Ўзбекистонга ҳамда рубль зонасидаги бошқа мамлакатларга оқиб кела бошлади.

Бунинг натижасида республика истеъмол бозорида қийинчилик билан сақлаб турилган мувозанат бузилди. Пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиши бошланиб кетди, умумий иқтисодий вазият беқарор тус ола бошлади.

Бироқ, Москвада МДҲ мамлакатлари билан алоқаларнинг узилиши ёки бу алоқаларнинг қийинлашуви Россиянинг ўзи учун ҳам катта чалкашлик туғдиришини тушунадиган кучлар топилди. Улар Россия иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистон ҳамда собиқ СССРдаги бошқа давлатлар билан чамбарчас боғлиқлигини тўла-тўкис тушунадилар. Чунончи, Россиянинг тўқимачилик саноати Ўзбекистон пахтасига қарам бўлиб қолган, хомашё учун тўлашга пул йўқлиги сабабли Россиядаги кўп фабрикалар бекор турибди.

СССР парчаланганидан сўнг икки йил ичида давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар сустлашган бўлса-да, бутунлай ўзгариб кетгани йўқ. Уларни тубдан ўзгартириш учун хўжаликларни қайтадан ихтисослаштириш бутун халқ хўжалигининг ички тузилишини чуқур ислоҳ қилиш, саноати ривожланган мамлакатлар аллақачон эгаллаб олган жаҳон бозорига чиқиш учун рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кескин кўпайтириш зарур. Лекин бунинг учун ривожланаётган ,иқтисодиётда ҳам ўнлаб йил вақт кетади, таназзулга учраган хўжаликда эса, унинг ички тузилишини ўзгартириш жараёни тағин ҳам узоқроқ давом этади.

Олти давлат раҳбарлари шуни англаб, сентябрь ойида янги тусдаги рубль зонаси ҳақидаги битимни имзоладилар. Ўзбекистон республикасининг пул тизимини Россия Федерациясининг пул тизими билан бирлаштириш тўғрисида икки томонлама шартнома ҳам тузилди.

Ўзбекистон ана шу ахдномаларга мувофиқ равишда зиммасига республиканинг молия, солиқ ва банк тизимларини Россия тизимларига яқинлаштириш, пул-кредит ва валюта сиёсатини Россия билан мувофиқлаштириш мажбуриятини олди. Шунингдек, республика Россия банки чиқараётган рублни бирдан-бир қонуний тўлов воситаси деб эътироф этиш, рублнинг қийматини сақлаб туриш учун олтин — валюта заҳираларининг ягона қўшма жамғармасини барпо этишда қатнашиш мажбуриятини ҳам олди.

Ўз навбатида Россия Ўзбекистонни нақд пул билан таъминлаш, иккала мамлакат хўжаликлари ўртасида бевосита ҳисоб-китоб қилишга ўтиш, республикамиз корхоналарининг нақд пулсиз маблағларини тенгма-тенг асосда Россиянинг нақдинасиз рубларига айлантириш мажбуриятини олди.

Шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон — Россия икки томонлама комиссияси мутахассисларининг саккизта учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувларнинг ҳар бирида Ўзбекистон зиммасига олган мажбуриятларни тўлатўкис бажараётгани қайд этилди. Комиссия, жумладан, амалдаги қонунларда ва қонун асосида чиқарилган ҳужжатларда иккала мамлакат пул тизимларини бирлаштиришга тўсқинлик қиладиган муҳим тафовутлар йўқлигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россия иқтисодиётининг ҳолатини кўпчилик кўрсаткичлар бўйича қиёсий баҳолаш асосида давлатларимиз пул тизимларини бирлаштириш мумкин, деган хулосага келинди.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси иқтисодий тараққиётининг асосий кўрсаткичлари келтирилади (шу йил январ—август ойларидаги маълумотлар фоиз ҳисобида):

ўсиш (камайиш) суръати	1992 йил		1993 йилнинг 9 ойи	
	Ўзбекистон	Россия	Ўзбекистон	Россия
ялпи ички маҳсулот	90,4	81,5	101,0	85,0
миллий даромад	87,1	79	100,2	85,5
саноат маҳсулоти ҳажми	93,8	81,2	102,5	83,5
истеъмол моллари ишлаб чиқариш	100,4	84	113,5	89
чорва маҳсулотлари етиштириш (жами)			111	87

Ўзбекистон ўз мажбуриятларини бажариб, иккинчи томоннинг ҳам шундай йўл тутишига умид қилган эди. Бироқ республикамиз ҳукуматининг қатъий ва изчил ҳаракатларига жавобан илгари писанда қилинмаган ва ҳеч нарсага асосланмаган талаблар қўйилди.

Асоратга солувчи шундай шартлар қўйилмоқдаки, булар ягона рубль маконининг муҳимлиги ҳақида гапираётган айрим Россия раҳбарларининг самимийлигига шубҳа туғдиради. Шу шартлар аслида Ўзбекистонни рубль зонасидан қисиб чиқаришга қаратилган. Ана шу шартлар орасида қуйидаги талаблар бор:

1. Етказиб берилаётган пулларни давлатлараро кредит сифатида расмийлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикасидаги нақд ва нақдинасиз пулларнинг камида 50 фоизига тенг миқдордаги олтин ва америка долларини гаров сифатида Россия Федерациясининг Марказий банкига ўтказиш.

3. Эски рубларни Россиянинг янги рублига ҳар 3 сўмига 1 сўм миқдорида алмаштириш. Бу талаб ҳам илгари эришилган ахдномаларни бузиб, Тошкент шаҳрининг Россия рубллари яширинча харид қилинаётган ва сотилаётган Олой бозоридаги нархлар асосида пайдо бўлди. Бу бозордаги рублнинг қиймати чайқовчилик оқибати эканини у ишнинг ҳақиқий аҳволини акс эттирмаслигини тушуниш учун иқтисодий маълумотли бўлиш шарт эмас. Турмушда учрайдиган бир мисолни давлатлараро ўзаро муносабатларга асос қилиб олиш мумкинми, ахир!

1993 йилнинг августига қадар Ўзбекистонда пулнинг қадрсизланиш даражаси Россиядагига нисбатан камроқ, рублнинг моллар билан таъминланиши эса кўпроқ эди. Бунинг сабаби республика истеъмол бозоридаги аҳволнинг барқарорлиги ҳамда иқтисодиётда барқарорлашиш тамойилларининг ривожланиши эди. Россия ҳамда МДҲдаги бир қанча бошқа мамлакатларнинг ўз валютасини жорий этиши уларнинг ҳудудида муомалада чиқиб қолган эски пулларнинг Ўзбекистонга оқиб келишига сабаб бўлди. Россиянинг ўзи Ўзбекистон корхоналарининг ҳисоб варақаларидан нақд пулсиз маблағлар ҳаракати йўлига катта ғов солиб, чайқов бозорида Россиянинг янги рубларига эҳтиёжни кучайтирмоқда. Ўзбекистонда амал қилаётган нақдинасиз рублнинг Россия рублига ҳақиқий нисбатини фақат иккала мамлакат иқтисодий аҳволига қиёсий баҳо бериш асосида аниқлаш мумкин. Кўпчилик Россия мутахассисларининг фикрича, иккала мамлакатнинг иқтисодий аҳволи бир хилдир.

4. Пул тизимларини бирлаштириш тўғрисидаги битим имзоланган кундан бошлаб олти ой давомида Россия томонининг бажариш мумкин бўлмаган шартлари бажарилмай қолса, Ўзбекистон ўзи олган ҳамма нақд пул эвазига 100 фоиз товон тўлаши лозим.

5. Тенг ҳуқуқли эмиссия маркази вазифасини бажариши лозим бўлган, ўзаро келишилган пул-кредит сиёсати органи бўладиган давлатлараро банкнинг амал қилиши ўрнига, Россия шундай талаблар қўймоқдаки (мен уларни шарт деб ҳисобламайман, талаб деб биламан), ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган бўлсак, аслини олганда, бу талаблар билан барча республикаларнинг Марказий банкларини Россия банкининг бўлимига айлантирмоқчи, кредит сиёсатини ҳам, эмиссия сиёсатини ҳам тўла-тўкис ўзлари белгилашмоқчи бўлишяпти. Нақд пул масаласига келсак, биз оладиган ҳар бир сўм учун олтин тўлашимиз лозим эмиш. «Буларнинг ҳаммаси ўзимизнинг миллий валютага ўтиш дастуримизни тайёрлашни зарурат қилиб қўймоқда. Биз бу дастурни тайёрлаймиз, у Қозоғистон дастури билан мувофиқлаштирилади. Қозоғистон билан биргаликда бундай дастурни тайёрлаш ва биргаликда ишлаш ниятимиз бор.

Россия томони асоссиз талабларни қўйиб, аниқ бир йўлдан бормаётганини, ҳаракатлари изчил эмаслигини яна бир бор намойиш қилди. Бундай сиёсат юз минглаб ишлаб чиқариш, технология ва одамлар алоқалари билан бир-бирига боғлиқ бўлган Россия ва Ўзбекистон учун катта иқтисодий ва сиёсий зарар етказиши мумкин. Россиянинг номутаносиб, бир томонлама ҳаракатидан ҳеч ким наф кўрмайди.

Биз барибир Россия ҳукуматида соғлом фикр ва маъқул ёндашув устун чиқишига умид қиламиз. Холис иқтисодий ҳисоб-китоблар ва сиёсий зийраклик пухта ўйланмаган шухратпарастлик сиёсатидан устун келиб, тангликдан чиқиб олишда, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини барпо этишда ва хўжаликларни бир-бирига яқинлаштиришда Ўзбекистон билан Россиянинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириши лозим.

Б. ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари.

УЧ ХАБАР

Тўрақўрғон туманидаги «Тўрақўрғон» жамоа хўжалиги вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси бошқаруви ва деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят комитети эълон қилган мусобақа ғолиби бўлди. Жамоа хўжалигига 300 минг сўм пул мукофоти берилди. Бундан ташқари, дам олиш уйига ҳар бири 150 минг сўм турадиган учта йўлланма ажратилди.

Мусобақа шартларига кўра, ўз туманида пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини биринчи бўлиб бажарган хўжалик шундай мукофотга сазовор бўлади. «Тўрақўрғон» жамоа хўжалиги топшириқни туманда ҳам, вилоятда ҳам биринчи бўлиб бажарди. Қабул пунктига 700 тонна пахта топширилди. Ғолибларнинг айтишича, авваламбор оилавий звенолар ишнинг қўзини билиб, самарали меҳнат қилиш туфайли бу муваффақиятга эришилди.

* * *

Ховос дон комбинати тегирмонини қайта қуриш тугалланди. Натижада корхонанинг қуввати ошди. Бундан ташқари, эндиликда бу ерда биринчи ва иккинчи нав ун ишлаб чиқариладиган бўлди. Илгаридаги эса фақат учинчи нав ун тайёрланарди.

Бутун республикада бўлгани каби, Сирдарё вилоятида ҳам ҳозир ғаллачиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда, жойларда ғаллани сақлаш ва ун тортиш учун шарт-шароит яратилмоқда. Ховосдаги комбинатда қўшимча омборлар қуриш, шунингдек, ҳозиргига қараганда икки баравар кўп, яъни бир кечакундузда 390 тонна донни қайта ишлаш имконини берадиган янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш масаласи ҳал қилинмоқда.

* * *

Наманган туманидаги «Ижодкор» деҳқончилик фирмасининг консерва цехида ажойиб беҳи мураббоси тайёрлашга киришилди. Шуниси диққатга сазоворки, мураббони тайёрлашда шакар керак бўлмайди —унинг ўрнига ширин жўхори шарбатидан фойдаланилади. Деҳқончилик фирмаси 35 гектар ерда ширин жўхори етиштиради. Фирма цехларининг бирида ундан таркибида фруктоза ва глюкоза кўп бўлган асалсимон шарбат олиш технологияси йўлга қўйилди.

(ЎзА).

МАВСУМ ОЙНАСИ

Республика районларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 1 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

Районлар	Жами	Шу жумладан машина терими
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ		
Дўстлик	134,50	—
Янгариқ	118,74	26,14
Хива	117,56	3,22
Янгибозор	116,78	59,36
Боғот	116,53	18,77
Гурлан	115,35	27,09
Урганч	113,93	53,50
Шовот	113,19	17,21
Ҳазорасп	112,59	6,42
Қўшкўпир	112,23	12,85
Хонқа	111,69	39,56
БУХОРО ВИЛОЯТИ		
Олот	125,81	37,17
Ғиждувон	121,97	0,29
Пешку	116,21	11,14
Когон	115,40	66,32
Бухоро	114,90	22,67
Шофиркон	113,48	10,91
Ромитан	112,39	54,89
Жондор	110,46	15,43
Вобкент	109,51	12,23
Қоракўл	108,23	20,33
Қоровулбозор	103,71	34,68
ҚАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТИ		
Қамаши	124,50	64,44
Чироқчи	120,06	44,78
Косон	116,15	115,92
Муборак	113,76	128,58
Қарши	112,51	100,60
Касби	110,17	113,72
Баҳористон	110,10	114,75
Китоб	108,26	16,18
Нишон	102,64	107,65
Ғузор	100,01	35,56
Усмон Юсупов	99,01	105,86
Шаҳрисабз	93,71	48,49
Яккабоғ	82,36	2,93
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ		
Қизилтепа	118,94	7,19
Навбаҳор	114,43	102,57
Навоий	94,01	76,61
Хатирчи	79,46	44,53
СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ		
Қумқўрғон	106,35	11,60
Денов	105,27	17,82
Узун	101,06	46,13
Ангор	100,17	39,07
Шеробод	100,09	76,87
Шўрчи	96,23	15,54
Термиз	95,48	35,57
Бандихон	93,07	63,77
Музробод	91,08	89,59
Жарқўрғон	89,72	32,25
Сариосиё	88,34	2,58
Олтинсой	88,06	10,91
Қизириқ	87,68	61,11
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ		
Элликқалъа	111,66	75,89
Тахтакўпир	111,12	45,92
Тўрткўл	106,64	65,67
Амударё	103,16	77,06
Хўжайли	100,19	84,43
Беруний	97,52	63,07
Бўзатов	90,21	33,62
Қонликўл	85,92	54,98
Қораўзак	83,64	77,45
Шуманай	80,46	61,38
Кегайли	75,66	48,93
Қўнғирот	75,50	49,65
Чимбой	74,49	54,23
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ		
Марҳамат	107,93	59,16
Бўз	105,71	61,01
Олтинкўл	98,98	21,06
Шаҳрихон	94,21	5,55
Булоқбоши	85,85	20,06
Балиқчи	85,82	10,44
Комсомолобод	85,06	56,88
Пахтаобод	84,41	32,74
Хўжаобод	82,93	—
Кўрғонтепа	82,11	49,61
Жалолқудуқ	80,36	38,33
Асака	77,62	0,23
Андижон	77,11	13,09
Избоскан	71,55	21,26
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ		
Данғара	88,59	54,44
Фарғона	85,15	6,81
Бувайда	83,23	4,93
Учқўприк	81,43	0,43
Охунбобоев	80,87	18,66
Риштон	78,67	9,33
Олтиариқ	78,24	1,09
Бағдод	77,50	7,03
Ўзбекистон	77,01	9,34
Бешариқ	75,67	1,87
Фурқат	74,63	31,29
Қува	74,51	8,46
Ёзёвон	73,89	14,16
Тошлоқ	71,47	14,49
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ		
Ўрта Чирчиқ	85,12	69,59
Бўка	78,8[illegible]	70,54
Бекобод	77,5[illegible]	50,56
Қуйи Чирчиқ	76,76	71,37
Пискент	75,87	54,40
Оққўрғон	73,82	58,93
Юқори Чирчиқ	70,49	62,62
Янгийўл	62,48	31,69
Қибрай	61,00	—
Чиноз	60,48	40,72
Зангиота	39,00	—
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ		
Фориш	84,16	120,65
Жиззах	82,40	59,25
Зомин	81,26	59,66
Зафаробод	75,65	79,05
Зарбдор	73,74	74,96
Пахтакор	73,31	72,09
Мирзачўл	69,09	74,76
Дўстлик	66,38	65,10
Арнасой	66,15	73,85
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ		
Нуробод	100,40	—
Ғўзалкент	86,67	65,18
Пайариқ	86,35	69,84
Пастдарғом	80,17	49,24
Пахтачи	79,49	44,27
Иштихон	74,07	29,57
Каттақўрғон	71,29	30,31
Нарпай	69,11	29,56
Челак	68,19	33,78
Оқдарё	57,92	22,47
Жомбой	43,73	11,98
Самарқанд	13,33	—
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ		
Поп	92,03	31,61
Тўрақўрғон	86,20	82,00
Чуст	82,13	33,79
Чортоқ	84,07	67,46
Задарё	73,06	39,37
Норин	67,77	32,32
Косонсой	67,32	9,31
Наманган	64,40	2,27
Учқўрғон	61,05	15,16
Уйчи	50,08	—
СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ		
Ховос	74,33	53,67
Боёвут	69,26	45,27
Меҳнатобод	64,81	58,05
Оқолтин	60,98	59,80
Гулистон	56,05	47,45
Шароф Рашидов	51,87	42,34
Сайхунобод	51,68	49,55
Мирзаобод	49,80	38,57
Сирдарё	47,36	31,54

МУЗРОБОД ШОЛИСИ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқлолини ва унинг муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун энди қоғоздаги сийқаси чиққан режа ва тонналарни қайд этиб эмас, балки жон қойитиб ҳурлик учун ишламоқ даври келди. Негаки, ишлаган — тишлайди, рўзғори тўкин, кам-кўсти бутун бўлади.

Ҳар қандай давлат ёҳуд жамоа хўжалиги том маънода — рўзғор. Рўзғор учун эса ҳамма нарса керак. Музробод туманидаги Ал Ҳаким Ат Термизий номли жамоа хўжалиги меҳнат аҳли эл фаровонлигини кўзлаб шундай йўл тутишмоқда. Бу йўл — хайрли, барака-кут ва тўкинлик йўлидир. Хўжалик миришкорлари ўктам, сербарака, танти. Энг асосийси— алдамчиликни, лафзига ғирромликни билишмайди. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришмайди. Сув-лой кечиб, тунни тонгларга, тонгни тунларга улаб меҳнат қилаётган оддий ва самимий, шу билан бирга пок қалбли бундай одамлар асосан шоличилик билан шуғулланишади. Бу беназир неъматнинг хосияти хусусида узоқ сўзлашнинг ҳожати йўқ. Зеро, садаф гуруч халқимизнинг кундалик эҳтиёж неъмати. Биз хўжалик далаларида, шовуллаган шолизорларини айланганимизда кузнинг баракали хирмонларини кўриб, дил-дилдан қувондик.

Аслида бу хўжалик 1971 йили ташкил топган. Бошқарув раиси Парда Худоёровни туман ёхуд вилоятдагина эмас, балки жумҳурият миқиёсида кўпчилик танийди. Бунинг боиси бор. У донгдор деҳқон сифатида элнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Одамлар билан тиллашиб меҳнат қилишнинг ҳадисини олган. Табиийки, бундай раҳбарнинг омади ҳамиша от чопади, эл-улус ичида ҳурмати ошиб боради. Чиндан ҳам шундай.

— Шукрки, пишиқчилик дастурхони тўкин, — дейди раис биз билан суҳбатда.— Бу йил 2.163 гектар майдонга шоли эккан эдик. Яхши ниятимизга фариштaлар оқ фотиҳа берган экан шекилли, режадаги 9.120 тонна ўрнига 10.167 тонна хирмон уйдик. Ўтган йили ҳам хирмонимиз чўғи чакки бўлмаганди. Жорий йилда гектарига 65 центнердан ҳосил йиғиб олмоқчимиз. Шу кунгача эса ҳосилдорлик 60 центнердан ошиб кетди.

Бу рақамлар салмоғи қанчалар оғир тош босса, унинг замиридаги меҳнат янада улу

НАВОИЙ ҒАЛАБАСИ— САДОҚАТ НАМУНАСИ

МАВСУМ ДАРҒАЛАРИ

НАВОИЙ вилояти деҳқончилик-саноат уюшмаси хоналарида телефонлар кетмакет жиринглайди. Туманлар, хўжаликлар ғалаба марраси эгалланганлиги ҳақида биринкетин ахборот— рапорт бермоқдалар. Уюшма раиси Хайритдин Зайниев, бош иқтисодчи Қаҳрамон Пирназаров, уюшма раисининг биринчи муовини Муродқул Самандаров кўрсаткичларни таҳлил этиб, ютуқларни мустаҳкамлаш, янги имкониятларни ишга солиш хусусида фикрлашишарди. Айниқса деҳқончилик бўлими бошлиғи Рамазон Ғойибовнинг кайфияти бўлакча.

— Деҳқонларимиз барака топишсин, — дейди у тўлқинланиб. — Умрим боз-неъмат бунёдкорлари орасида ўтаяпти. Лекин бу йилгидек шижоатни, ташаббускорликни кам кўрганман. Одамлар чинакам жасорат кўрсатиб ишлашяпти. Мавсум қаҳрамонлари ҳузурига бориб жасорат, садоқат намуналарини ўз кўзимиз билан кўрсак, қадоқ қўлларини маҳкам сиқиб, икки оғиз миннатдорчилик билдирсак, зап иш бўларди.

Таклиф ғоят маъқул тушди. Йўл-йўлакай пахтазорларга мафтун боқамиз. Барча ерда юксак сафарбарлик таъминланган. Зангори кемалар жавлон урмоқда. Биринчи мавсум қаҳрамони деб танилган ажойиб механизатор Аслон Эшмуродов ҳузурига ошиқдик. Суҳбатдошимнинг таъкидлашича, у бағоят камтар, камсуқум инсон. Касбининг нозик томонларини пухта эгаллаган. Лўнда гапиради, дабдабабозликни, ортиқча мақтовларни ёқтирмайди.

Навбаҳор районидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигининг ажойиб механизатори ишлаётган бригадада бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Аслонжон бункер пахтага тўлгунига қадар эътиборни бир дам сусайтирмади. Ҳосилни тележкага ағдариб, янги эгатга пўлат отини буриш олдидан савол-жавоб қилишга рози бўлди.

— Инсон орзу билан яшайди, — фикрини ифодалайди у. — Ўн йил техника билан тиллашдим. Вақтдан унумли фойдаланиб суръатни кун сайин ошириб бориш, лозим бўлганида агрегатни тезликда таъмирлашни ўргандим. Обдон ўзимни шайлагач, бу йил мавсумда камида 200 тонна пахта теришга аҳд қилдим. Ташаббусга ўнлаб суворийлар қўшилишди. Қизғин дамларда кунига пўлат этакдан 8—9 тоннадан оқ олтин тўкдим. Машинани ўзим пухта созлаганлигим асқотди. Фахрланса ярашади. Шу кунгача катта хирмонга 250 тонналик улуш қўшдим!

Механизатор яна зангори кемани бошқаришга тутинди. Бункер оппоқ пахталарга тўла бошлади. Аслон Эшмуродовнинг эски қадрдони Мансуржон Муқимов ҳам жасорат кўрсатмоқда. Табиатан ҳушчақчақ, ташкилотчи бу суворий илғор тажрибаларни оммалаштириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этишда жонбозлик кўрсатиб келаётган экан. Меҳр билан унга тикиламиз. Қаттиқ меҳнат анчайин толиқтирган, шамолда қорайган чеҳраси синиққан кўринса-да, Мансуржоннинг кўнглида баҳор. Ахир бугунги кунда унинг номи бутун вилоятга танилди. Раҳбарлар, мутахассислар «Машинада 200 тоннадан ортиқ пахта терган қаҳрамонимиз» дея у билан фахрланишмоқда. Бу катта бахт.

Умуман, Навбаҳор районида 200 дан ортиқ машина юқори унум билан ишлатилди. Техника ёрдамида деярли бир маромда олиб борилди. Ҳатто ғалаба куни арафасида давлатга йиллик режанинг икки фоизидан ошириб оқ олтин топширилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Бунда Турсун Маҳмудов, Ҳалим Донийёров, Ҳотам Ҳусанов каби механизаторларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Соатқул Жўраев номли жамоа хўжалигида иқтисодий омилларга алоҳида эътибор бериляпти. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг янги усуллари кенг жорий этилмоқда. Бу ерда қўлда терилган бир кило пахта учун 32 сўм, машинада терилган бир тоннасига эса 1,5 минг сўмгача ҳақ тўланганлиги моддий манфаатдорликни таъминлади. Заршунослар яхши ишлаб яхши пул олишди. Бу ялпи сафарбарликни таъминлади, шижоатга шижоат қўшди. Далаларда 212 та зангори кема ишлади. Иш белгиланган тадбирлар асосида пухта ташкил этилди. Кўпчиликнинг таъкидлашича, дабдабабозликка, ортиқча шов-шувларга йўл қўйилмади. Бошқарув раиси Саъдулла Тўраев, мутахассислар далада ишлаётганларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатдилар. Муаммолар жойида ҳал этилди. Шийпонларда ҳар куни иссиқ-овқат, чой бўлиши таъминланди. Меҳр-оқибат, инсонга ғамхўрлик бор жойда ташаббуслар юзага келади. Хусусан, илғор бригада бошлиқларининг «Ҳар иш кунини зарбдорчасига якунлаймиз!» шиори остида бошлаган хайрли ҳаракатлари кенг қўллаб-қувватланди. Б. Сирлибоев, И. Баротов каби суворийлар шахсий ибратлари билан барчани олға ундадилар. Натижада хўжаликда йиллик режа 20 иш кунида адо этилди. Ҳосилдорлик гектарига қарийб 18 центнерни ташкил этди. Ялпи ҳосилнинг 500 тоннаси уруғлик пахта. Суръат бўшашмаяпти. Ниятлари гектар ҳосилдорлигини 33,5 центнерга етказиш.

Суҳбатдошим Рамазон Ғойибов пахтакорларнинг ҳақиқий жонкуяри экан. Муаммолар ҳақида куйиб-пишиб гапирарди.

— Соҳани ривожлантиришнинг муҳим шарти селекция ва уруғчиликни давр талаби даражасида ривожлантиришдир, — дейди у қўшни хўжаликка йўл оларканмиз. — Республика бюджетининг салмоқли қисми тола сотиш ҳисобига олинади. Бахтга қарши деҳқонлар биринчи нав, саноатбоп тола берадиган, узоқ вақт кўп майдонларга экиладиган етакчи навга эга бўлишолмаяпти. Изланишларнинг чўзилиши натижасида заводларимизда турли хусусиятларга эга бўлган навлар тез бузиляпти. Боз устига республикада навларни жойлаштиришдаги ўзибўларчиликлар оқибатида кўп навлилик давом этмоқда. Фикримча, пахта уруғчилигининг маркази— элита хўжаликларига эътиборни бағоят кучайтириш керак. Уларнинг кўпчилиги самарали ишламаяпти. Лабораториялар, тола сифатини аниқлайдиган асбоб-ускуналар етишмайди. Биргина эътиборсизлик йиллаб қилинган заҳматли меҳнатни йўққа чиқариши мумкин. Баъзида уруғлик чигит хўжаликларга қопсиз юборилади. Бу исрофгарчиликни келтириб чиқаради, навнинг бузилишига олиб келади. Қувончлиси шуки, навоийлик деҳқонларнинг кўпчилиги бу йил шароитга мос навни топгандек бўлишди. Нав афзаллигини ҳали ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Бир нарса бизни ҳайратлантирди: айрим жамоаларда таъминот, ташкилотчиликда камчиликлар бўлса-да, ҳеч ким уларни рўкач қилмасди. Эрта тонгдан то кун ботгунга қадар сидқидил тер тўкиб, юқори кўрсаткичга эришаётганлар эса «Мен бугун бунча пахта тердим», дея ўзини сира ажратиб кўрсатмасди. Садоқатни, камсуқумликни, ориятли бўлишни қишлоқ кишиларидан ўрганиш керак, деган сўзнинг ўшанда маъзини чаққандек бўлдик.

Свердлов номли жамоа хўжалигида пудрат ўз қудратини кўрсатди. Ерга, техникага бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бу ерда деҳқоннинг ўзи ҳоким. Истаган тадбирини хоҳлаган пайтда амалга ошириши мумкин. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислари уларнинг ҳолидан хабар олиб, лозим бўлганда амалий ёрдам ва мадад кўрсатишга одатланишган. Бошқарув раиси Сувон Бердиев пудратчи Искандар ака Мустафоев ҳақида зўр ҳурмат билан гапирди. Умрини пахтачиликка бағишлаган, қанчадан-қанча ёшларга касб сирларини ўргатаётган бу фидойи инсон ҳосилдорликни 50 центнерга етказибди. Давлатга фақат юқори сифатли хом ашё топширибди. Ҳозирги кунда мўмай даромад олиб, фарзандлари билан меҳнатининг роҳатини кўрмоқда. Раҳмат Назаров, Абдураҳмон Норпўлатов, Раҳмат Сулаймонов каби пудратчилар ҳам пахтачиликни ривожлантиришга муносиб улуш қўшишмоқда. Улар қийин шароитда ишлаётган бўлишларига қарамай ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб хирмон кўтаришди. Раиснинг таъкидлашича, хўжалик режага қўшимча равишда 500 тонна жавоҳир топширади.

«Гигант» давлат хўжалигига кириб борганимизда хурсандчилик устидан чиқдик. Директор, Ўзбекистон халқ депутати Тошпўлат Болтаевнинг боши осмонда. Давлатга 8 минг тоннадан ортиқ қимматли хом ашё топширилиб, йиллик режа муддатидан илгари адо этилибди. Бу ердаги кўтаринкилик кишини ғоят тўлқинлантиради. Теримчилар ҳамон зарбдорчасига ишлашаяпти. Асл пахтапарварлар шу ерда экан.

Навбаҳор тумани далаларида ҳар куни 6 минг ҳашарчи ишлади. Улар кучи билан кунига йиллик режанинг бир фоизи миқдорида пахта тайёрланди. Нуронийлар ҳам этак боғлаб пахтазорга отландилар. Нафақахўр Исмоил ота Худоевнинг дил сўзларига эътибор қилинг:

— Пахта ўзбек халқининг ифтихори. Ғўза биз учун муқаддас экин. Заҳматли меҳнат туфайли очилтирган лўппи-лўппи пахталарни саранжомлаб олмай тинчимаймиз. Шу боис биз — 20 нафар фахрийлар ҳам баҳоли қудрат ҳосил йиғиштиряпмиз. Худо хоҳласа, бу йил пахта йили бўлади.

Бугун Марказий Осиёда 2 миллион тоннага яқин пахта толаси етиштирилаётган бўлса, унинг бир ярим миллион тоннаси Ўзбекистон ҳисобига тўғри келаркан. Бу ўзбек деҳқонининг фидойилиги, садоқати шарофатидандир. Пахтазорларни кезарканмиз, бугун ҳамма оқ олтин ишқи билан яшаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ердамчилар қаторида Навоий давлат педагогика институтининг талабалари ҳам бор. Улар шу кунгача минг тонна оқ олтин йиғиштиришибди. Яна 15 тоннани ният қилишяпти. Бу йилги ҳосил осонликча етиштирилмади. Табиий офатлар деҳқонларни неча бор эзиб қўйди. Зарафшон дарёси тошиб 1.500 гектар майдондаги экинлар сув остида қолди. Довул, ҳароратнинг баъзи вақтларда кескин кўтарилиб кетиши қўшимча ташвиш туғдирди. 3,5 минг гектарга чигит қайта экилди. Шунга қарамай деҳқон ўз садоқатини яна амалда намойиш этди. Уюшқоқлик, ташаббускорлик туфайли ҳосилдорлик гектарига 28 центнерга етказилди. Район Ватанга 30.600 тонна қимматли хом ашё топшириб, ғалаба маррасини эгаллади. Қувончлиси шуки, асосий тармоқдан 7 миллиард сўм даромад олиш кўзда тутилмоқда. Бу халқ турмуш фаровонлигини ошириш, қурилишларни жонлантиришга хизмат қилади.

ҲУРМАТ ТАХТАСИНИНГ ТЎРИДА

Аслон ЭШМУРОДОВ — Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги механизатори. Зангори кема бункеридан 250 тонна оқ олтин тўкди.

Мансур МУҚИМОВ— шу хўжалик суворийси. Қатта хирмонга 200 тонна шахсий улуш қўшди.

Искандар МУСТАФОЕВ — мазкур тумандаги Свердлов номли жамоа хўжалиги пудратчиси. Ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон кўтарди.

Навбаҳордаги «Гигант» давлат хўжалигининг 4-бўлим 6-бригадаси заршунослари. Туманда биринчи бўлиб зафар қучдилар.

Дилрабо СУЛАЙМОНОВА — Қизилтепа туманидаги Қосим Қобулов номли жамоа хўжалиги теримчиси. Шу кунгача қарийб 10 тонна қимматли хом ашё йиғиштириб берди.

Зулхумор ТУЙЧИЕВА — шу райондаги «Тавовис» давлат хўжалиги теримчиси. Шахсий хирмони 8 тоннадан ошди.

● Ҳимматли отахон Исмоил Кўбаев мавсум мобайнида Навбаҳор туманидаги С. Жўраев номли жамоа хўжалиги далаларида пахта териб, хирмонга барака киритди.

● Навбаҳор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг пешқадам механизатори Муртазо Дарбоев.

● Хатирчи туманидаги Э. Абдиев номли колхоз теримчиси Ойнисо Эргашева.

● Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг деҳқончилик бўлими бошлиғи, моҳир ташкилотчи Рамазон Ғойибов.

Мусаввир Маҳмуд ЖЎРАЕВ.

ПАХТАКОР ЧЕҲРАСИДА НУР

БУ йил қизилтепаликларнинг росмана омади келди. Дон, сабзавот, мева, пилла ҳамда полиз маҳсулотлари етиштиришда илдам қадамлар қўйилди. Заршунословларнинг ҳам юзи ёруғ. Ватан қизилтепаликлардан 28.300 тонна хом ашё қабул қилиб олди. Ҳосилдорлик гектарига 28 центнерни ташкил этди. 7.482 тонна пахта уруғликдир. Юқорида нав танлашнинг аҳамияти ҳақида фикр юритгандик. Мазкур туманда аксарият майдонларга илк бор «Бухоро-6» чигит нави экилибди. Хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар муҳим масалага жиддий ёндошганликлари кутилган натижани берди. «Бухоро-6» далаларда яхши ўсди, барқ уриб ривожланди, мўлжалдагидан кўп ҳосил тўпладди. Энди сара уруғ ўзларидан чиқади. Деҳқонлар келаси йили ҳосилдорликни гектарига 5 центнерга ошириш имконияти яратилганлигини таъкидлашмоқда. Янги нав муаллифи А. Баталов заршунослар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўзаро ҳамкорлик дастлабки қувончли натижани берди.

Қизилтепа районида ҳал қилувчи мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Техника, этаклар, тошу тарози вақтида шай этилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарори ялпи сафарбарликни таъминлашда муҳим омил бўлди. «Зарбдор», «Ўртачўл юлдузи» жамоа хўжаликлари, «Сардоба», «Бўстон» давлат хўжаликлари биринчилардан бўлиб маррага етдилар. «Тавовис» давлат хўжалиги, «Ўзбекистон», Навоий номли, «Зармитан», Қосим Қобулов номли колхозлар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда намуна бўлдилар. Иқтисодий омиллар деҳқонга қанот бўлаётганлиги яққол кўринмоқда. Шу ўринда мисол келтирсак. «Бўстон» хўжалигида 1.208 ижарачи фаолият юритаяпти. Барча соҳа бирдек ривожланмоқда. Пудратчилар ҳар қарич ерни эъзозлашяпти. Шу боис хўжалик 3.680 тонна оқ олтин топшириб йиллик режани адо этди. Далаларда ҳосил бор. Азаматлар яна минг тонна оқ олтин топширишмоқчи. Шунда «Бўстон» ижара хўжалиги асосий тармоқдан бир миллиард сўмдан ортиқ даромад қилади.

Навоий шароитида ҳамон қўл терининг аҳамияти катта. Ўркач далалардаги оқ олтинни саранжомлашда чевар теримчиларга суянишади. Мутахассислар Қосим Қобилов номли колхозда бўлишни таклиф этишди. Вақт пешиндан оққан. Шодон кайфиятда дур йиғиштираётган қиз-жувонлар суръатга-суръат қўшишмоқда. Мусобақа пешқадами Дилрабо Сулаймонованинг суҳбатга тортамиз.

— Бир вақтлар биз — пахтакорлар меҳнати қадрланмасди,—фикрини ифодалайди у, — ўзим мавсумда 6—7 тоннадан пахта териб бирим-икки бўлмади. Мустақиллик туфайли деҳқон қадди тикланди. Бу йил бир кило ҳосил учун 32 сўмдан ҳақ олаяпмиз. Демак, оила иқтисодини мустаҳкамлаш учун имконият бор. Дақиқалардан унумли фойдаланаяпмиз. Маданий-маиший тадбирлар яхши ўтказилаётганлиги сабабли чарчаб қолаётганимиз йўқ. Режа бажарилган бўлса-да, йиғим-терим давом этяпти. Шу кунгача катта хирмонга қарийб ўн тонна улуш қўшдим. Дугонам Муҳиба Ҳожиева ҳам сидқидил тер тўкиб, мўмай даромад қилди.

«Тавовис» давлат хўжалигидамиз. Қуёш чарақлаб турибди. Деҳқонга шу керак. Ёшу қари эгат боғлаб эгат ораламоқда. Зулхумор Тўйчиева, Санобар Ҳамроева; Кенжагул Ҳамроева каби зарбдорларнинг ҳар бири 8—9 тоннадан дур йиғиштиришибди. Улар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар. Шу ерда вилоят ойнаси — «Дўстлик байроғи» газетасининг бош муҳаррири Ҳамдам ака Эшонқуловни ҳам учратдик.

— Бугун биз ҳам пахтакор,— деди у ҳазил-мутойиба билан. — Тажрибали журналистлар Иброҳим Жумаев, Жумамурод Мирзаев ва бошқа қаламкашлар янги қаҳрамонлар билан танишгани чиқдик. Газетамизнинг биринчи саҳифасида уларнинг тажриба ва ташаббуслари, муваффақият омиллари кенг ёритиб бориляпти. Жонли суратлар пахтазор юлдузларининг кайфиятига кайфият қўшмоқда. Ҳунар-техника билим юрти, марказий шифохона, корхона ва ташкилотлар ҳашарчиларининг беминнат ёрдамини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хатирчида уста заршунослар кўп. Бироқ айрим хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари бу йилги об-ҳаво шароитини ҳисобга олишмади. Ҳал қилувчи дамларда омилкорлик, қатъиятлик, ташаббускорлик кўрсатишмади. Кўпгина бригадаларда ҳосил нисбатан кеч етилди. Шу боис Хатирчи тумани суръатда орқада қолди. Ҳозирда хўжаликларнинг деҳқонлари жуда қийинчилик билан маррага интилишмоқда.

Акмал Икромов номли давлат хўжалиги далалари. Йиғим-теримнинг боришини синчиклаб кузатарканмиз, агар ихлос билан ишга киришилса, ички имкониятлар тўла ишга солинса, ҳар қандай шароитда ҳам яхши ҳосил етиштириш мумкин, деган хулосага келдик. Р. Рашидов, Э. Назаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар бамисоли игна билан қудуқ қазишади. Сув муаммоси, гармсел кутилмаган қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бироқ асл деҳқонлар ғўзаларга қалб қўри, меҳр зиёсини бахш этиб, баракали ҳосил яратдилар. Йиллик режа биринчилар қаторида адо этилди. Ана шундай фидойиларнинг жонбозлиги туфайли колхоз биринчилар қатори маррага етди. Райондаги «Оқ олтин», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида ҳам иқтисодиёт юксалмоқда, заршунос қувончига қувонч қўшилмоқда.

Бахтга қарши Амир Темур номли, Улуғбек номли, «Зарафшон»давлат ва жамоа хўжаликларидаги суръат қаноатланарли эмас. Улар илғорлардан ўрнак олиб ишда туб бурилиш ясашга интилаётганликлари сезилмоқда. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вилоят меҳнаткашларига табриги барча-барчанинг қалбидан чуқур жой олди. Уларни янги меҳнат ютуқлари сари чорлади.

● Мунаввар Хайруллаева номли Қизилтепа туманидаги «Меҳнат—роҳат» жамоа хўжалигида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Бонси у қизғин дамларда кунига 180—200 килограммдан пахта териб мусобақага қизғин тус берди.

СУРАТДА: меҳнат зарбдори Мунаввар Хайруллаева.

● Бу йилги мавсумда омилкорлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик кўрсатган деҳқонларгина баракали ҳосил етиштирдилар. Фан ютуқлари, илғорлар тажрибасини амалиётга кенг жорий этган Навбаҳордаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида йиғим терим зўр уюшқоқлик билан олиб борилди. Шу боис марра муддатидан илгари эгалланди.

СУРАТДА: моҳир бригада бошлиғи Йўлдош Худойқулов (чапда) ҳамда бошқарув раиси Аҳад Хайруллаев пахтазорда.

Жумамурод МИРЗАЕВ олган суратлар.

ОРЗУ БИЛАН ЯШАЙДИ ИНСОН

Навбаҳор тумани агросаноат уюшмаси раиси Зиёдулла Йўлдошев хонасидамиз. Барча мутахассислар далада. Режа бажарилган бўлса-да, суръат бўшашмаяпти.

— Одатда муваффақиятга ҳисса қўшган мутахассислар газетачиларнинг назаридан четда қолади, — дейди Зиёдулла ака жилмайиб. — Уюшма мутахассислари қийин шароитда иш юритишяпти. Транспорт доимий муаммо. Шундай бўлса-да, ҳосил тақдири ҳал этилаётган дамларда деҳқонлар ёнида бўлиб, уларга тегишли маслаҳатлар бердик. Илғорлар тажрибаси, фан ютуқлари, меҳнатни рағбатлантиришнинг синалган усуллари амалиётга кенг жорий этилди. Ҳосил кушандасига қарши вақтида курашилди. Ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракат туфайлигина бағоят оғир йилда мўлжалдагидан кўп ҳосил тўпладик.

Учовлон далага йўл олдик. Навоий номли жамоа хўжалиги пахтазорларида ҳаёт қайнайди. Ёшу қари иштиёқ билан ҳосил йиғиштирмоқда. Хўжалик раҳбарлари механизатор Турсун Маҳмудов ҳақида алоҳида ёзишни тавсия этишди. Билсак, у сўнгги йилларда қувончли натижаларни қўлга киритиб келаётган экан. Хирмон бошида Турсунбой билан самимий суҳбатлашдик. Таъкидлашича, қизғин дамларда пўлат этакдан 7—8 тоннадан оқ олтин тўкибди. Ҳозирда ҳам кунлик кўрсаткич икки тоннани ташкил этаётир. Механизаторнинг шу кунгача эл хирмонига қўшган шахсий улуши 160 тоннадан ошибди.

Навоий номли колхозда ҳам мавсум янги қаҳрамонларни яратди. Суворий Эрмат Ёрмаматов уларнинг бири. Дақиқалар қадрига етиб ишлаган пўлат от жиловкори манман деган механизаторларни ортда қолдирди. Ҳозирча агрегат бункеридан қарийб 190 тонна пахта бўшатди. Агросаноат уюшмаси раиси ён дафтарини варақлаб «Зарафшон» жамоа хўжалигининг моҳир теримчилари Фарида Соҳибова, Адолат Пўлатовалар мусобақа пешқадами бўлишганини маълум қилди. Улар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Свердлов номли жамоа хўжалигида бўлганимизда чиройли манзаранинг устидан чиқдик. Тушки дам олиш соатида санъаткорлар концерт намойиш этишаётган экан. Барча эришилаётган натижалардан хурсанд. Зарбдорлар ҳақида сўраганимизда қизу жувонлар бир овоздан Шаҳло Қораева номини тилга олишди. Камтар теримчи ўзи ҳақида гапиришни истамади. Шу кунгача 8 тоннадан ошириб пахта терган бўлса-да, бир оғиз бу ҳақда гап очмади. Пахтазорга файз бағишлаб Ватанга бебаҳо жавоҳир армуғон этаётган теримчилар орасида фидокорлар кўп эди. Тасанно, минг офарин бундай заҳматкашларга!

Хатирчи хўжаликларида турли манзара кўзга ташланади. Таъкидланганидек, бу ерда иш бирдек бормаяпти. Масъулиятни чуқур ҳис қилган асл пахтапарварларгина эл-юрт олдида берган ваъдаларининг устидан чиқишяпти. Жумладан, А. Ҳалимов номли жамоа хўжалигининг уста деҳқонлари бошқа соҳалар қатори пахтачиликни ҳам ривожлантиришмоқда. Бу ерда ички имкониятлар ишга солинди. Ҳар гектар ердан 27 центнердан хирмон кўтарилиб, ғалаба марраси эгалланди. Бунда дала дарғаси, механизатор Б. Норматовнинг катта ҳиссаси бор.

Шу тумандаги Аҳмад Ёрлақабов номли жамоа хўжалигида Абдумурод Жабборов номи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. У зўр ташкилотчилик, омилкорлик кўрсатиб барчани мақсад сари бирдек сафарбар этди, Ҳосилдорликни гектарига 3 центнерга оширди. Ҳозир бу кўрсаткични 30 центнерга етказиш учун қизғин кураш олиб боришмоқда.

1993 йилни навоийликлар учун барака йили бўлди, дея таърифлаш мумкин. Қадоқ қўл деҳқонлар барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, 31 октябрда ёруғ юз билан йиллик режа бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 125 минг тоннадан ортиқ оқ олтин армуғон этилди. Ҳосилдорлик гектарига 27,1 центнерни ташкил этди.

Навоий далаларидан қайтар эканмиз, 90 ёшли Ражаб бобо Отаевнинг дил сўзларини эслаймиз:

— Бахтимизга истиқлол қуёши бошимиз узра — мудом порлайверсин. Мард, ғамхўр Президентимиз, пахтасидек оқ кўнгил, танти халқимиз бор экан, оқ олтин тоғлари кўпаяверади...

Мирғиёс ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ФАН—ДЕҲҚОНЛАР ХИЗМАТИДА

Улуғ Ватан урушининг суронли 1943 йилида Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топди. Уша вақтда унинг таркибида Ботаника ва Зоология институти, Тупроқшунослик институти, Кимё, Тарих, Тил ва адабиёт, Математика, Биология, Физика-техника институтлари, обсерватория ва Ботаника боғи бор эди.

Кимё ва Физика-техника институтларидан ташқари деярли барча олий билимгоҳлар Абдулла Тўқай кўчасидаги 1-уйда жойлашганди. Ҳозирги кунда йўналиб илмий-текшириш институтларини ўз ичига олган Ўзбекистон Фанлар академияси республикадаги энг йирик илмий марказ ҳисобланиб, унда юзлаб машҳур олимлар, илм-фан намояндалари фаолият кўрсатмоқдалар.

Академиямизнинг олтин тўйи кунларида унга илк бор раҳбарлик қилган, Ўзбекистонни ўз илм тафаккурлари билан дунёга танитган президентлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Академиклар Қори-Ниёзий Т. А. Саримсоқов, Т. З. Зоҳидов, Ҳ. М. Абдуллаев, У. О. Орипов, О. С. Содиқов, П. Қ. Ҳабибуллаевлар ёққан маънавият чироғи ҳозирги мустақиллик кунларимизда ҳам янада ёрқинроқ порлаб, республикамиз номини жаҳонга маълуму машҳур қилмоқда.

Фанлар академияси таркибидаги экспериментал биология институти ҳозирги кунда «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси деб аталиб, пахтачилик фанлари — генетика, физиология, селекция, биохимия, пахта агротехникаси соҳасидаги йирик илмий марказга айланган. Ўзбекистон қадимдан пахта экиладиган ҳудуд ҳисобланади ва шу билан бир вақтда пахта етиштириладиган энг шимолий қутиб бўлиб, ноқулай иқлим шароитига эгадир. Тупроқ унумдорлигининг пастлиги, кўплаб майдонларнинг шўрланиши, сув танқислиги, вегетация вақтининг қисқалиги — буларнинг барчаси Ўзбекистон деҳқонлари учун кўпгина қийинчиликлар туғдирарди. Кейинги йилларда экология билан боғлиқ бўлган алоҳида муаммолар ҳам юзага келдики, бу қишлоқ хўжалигини мўлжалсиз химиялаштиришдир. Бугунги кунда ҳукумат қарорлари билан деярли барча заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш тақиқланган бўлса-да, тупроқда ва сув ҳавзаларида уларнинг асоратлари йиғилиб қолган. Орол денгизининг қуриб бориши ҳам қатор муаммоларни олдимизга қўймоқда.

Ҳаёт зарурияти билан боғлиқ қатор муаммолар ҳам вужудга келдики, бу дон, сабзавот, чорвачилик учун ем-хашак етиштиришни кўпайтиришдир. Бунинг натижасида минглаб гектар пахта майдонлари қисқартирилди. Давр биз, олимлардан пахта етиштиришни ривожлантириш тизимини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Соҳамиздаги бу муаммоларни ҳал этиш учун чуқур ва ҳар томонлама илмий изланишлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда эришилган асосий ютуқлар амалиётга кенг тадбиқ этилди. 70-йиллардан бошлаб районлаштирилган «Тошкент-1, 2, 3» навлари ғуруҳи Ўзбекистон пахтачилигининг анъаналарини сақлаган ҳолда унинг ҳудудида кенг тарқалган вилт касаллигидан ғўзаларни асраб қолди. Бу навлар академик С. М. Мирахмедов томонидан вилтга чидамли ёввойи «Мексика» ғўзасидан фойдаланиш асосида яратилганди. Кейинроқ улар янги, юқори сифатли тола берадиган «АН—Боёвут-2», «Тошкент-6», «АН-402», «АН—Самарқанд-2», «Фарҳод», «Оқолтин», «Самарқанд-3», «АН-415» навлари билан алмаштирилди. Бу янги навлар узоқ йиллар мобайнида республикадаги асосий пахта майдонларида экилиб, толасининг сифати, тезпишарлиги эвазига юқори иқтисодий самара берди.

Ҳозирги кунда навнинг қурғоқчилик, шўрланиш ва совуққа чидаш сингари ўткир омилларга кўникма ҳосил қилиш жиҳатлари тадқиқ қилинмоқда. Ғўзанинг пестицидларга, дефолиантларга таъсирчанлиги, уни табиий ва сунъий ўстириш, ривожлантириш регуляторлари ўрганилянпти. Институтимиз заҳирасида бутун дунё пахтачилик ўчоқларининг 37 тасидан келтирилган 4 мингдан ортиқ намуналар сақланмоқда.

Тезпишарлиги, тола майинлиги, тола чиқишининг юқори бўлиши, оқлиги каби муҳим соҳалардаги изланишларимиз анъанага айланган. Эртапишар навлар яратиш биринчидан иқлимнинг сақинлашуви, иккинчидан, донли ўсимликларни алмашлаб экишга кенг қўлланиши муносабати билан ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тажрибаларимиз меваси бўлган «Юлдуз» ва 4 та «АН—Чиллаки-1» навлари кузги буғдой ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг, май ойининг ўрталарида жанубий вилоятларда экилди ва тўла пишиб етилди. Айни кунларда янги нав ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари тугалланмоқда.

Илгари хом ашё ишлаб чиқаришни режалаштиришга берилиб тола миқдорига кам эътибор қаратиларди. Эндиликда эса тола чиқиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. «АН-415», «Юлдуз» навларида тола чиқишининг 5—6 фоизга оширилиши ҳосилдорликни кескин кўтариш имкониятини яратди. Юқори тола берадиган навларни жорий қилиш асосида 300 минг гектар ерни иқтисод қилиш мумкин. Шу тежалган ерларга дон, маккажўхори, сабзавот ва бошқа экинларни экишнинг имкони яратилади.

Узоқ изланишлар ғўзанинг 30 дан ортиқ навларини яратиш имконини берди. Улардан 9 таси жумҳуриятнинг 13 та вилоятида 440 минг гектар ерга муваффақиятли районлаштириб экилмоқда. Жумладан, «АН—Боёвут-2» 215 минг гектар, «Юлдуз» 114200 гектар, «Тошкент-6» 55 минг гектар, «АН-440» 32,8 минг гектар майдонларга экилмоқда. Ҳозирги кунда биз бир неча истиқболли — ингичка ва ўрта толали, навларга эгамиз.

«Юлдуз» навимиз бошқа навларга қараганда тола чиқиши кўплиги билан афзалдир. Республика бўйича тола олишни фақат бир фоизга ошириш қўшимча 40 минг тонна маҳсулот беради. Бу маҳсулотни сотиш ҳисобига эса 20 та йирик чет эл ёғ заводларини ёки ойна ва ойна масулотлари ишлаб чиқарадиган жуда катта корхона қуриш, ёки 500 Америка юк ташиш машинаси ва тракторини сотиб олиш ва шу каби кўплаб фойдали ишлар қилиш имкони яратилади. Биз ҳозирда ресурсларни тежайдиган тезпишар навларни яратиш билан шуғулланмоқдамиз. Маълумки, табиий ресурслар — булар сув ва тупроқдир. Сувнинг тобора тақчил бўлиб бораётганлиги ва тупроқнинг қай даражада кучсизланганлиги кўпчиликка яхши маълум. Бизнинг янги навлар 1—2 марта суғоришни тежаш ва бунинг ҳисобига 20—30 фоиз суғоришга кетадиган сувни сақлаб қолиш имконини беради. Шундай навларимиз борки, улар табиатни кучли ифлослантирадиган ва қиммат турадиган минерал ўғитларни 20—30 фоиз кам талаб қилади. Ва яна шундай навларимиз ҳам мавжудки, шўрлаган тупроқда яхши ривожланади. Бундай навлар Қорақалпоғистон Республикасида тажрибадан ўтказилмоқда.

Яқин орадаги режаларимиз совуққа чидамли ва заҳарли кимёвий воситаларни кам ишлатишни талаб қиладиган, зараркунандаларга чидамли навлар яратиш ва бу билан жанажон республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишдир.

О. ЖАЛИЛОВ,
ЎзФА «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиги.

АНДИЖОН НЕЧА ЁШДА?

● Андижон шаҳри неча ёшда! Вилоят ўлкашунослик музейида очилган археология топилмалари кўргазмасини томоша қилган киши ана шу ва бошқа кўп саволларга аниқ жавоб топиши мумкин.

Музей ходимлари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти олимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бу ерда қадимги рўзғор буюмлари, идишлар, қуроллар, қадимги тангалар, безаклар ва иш қуроллари тўпланган. Уларнинг орасида Марҳамат туманидаги Лумбитепа ҳамда вилоят марказидаги бир неча шаҳристонларни қазиш чоғида чиққан топилмалар асосий ўринни эгаллайди.

—Кўргазма ҳам илмий, ҳам маърифий аҳамиятга эга, — дейди вилоят музейининг директори Б. Супургибеков. — Тарихий далиллар ва топилмаларга, шунингдек археолог Б. Абдулғозиева ҳамда Андижон давлат университетининг профессори, тарихчи олим С. Жалилов фикрига асосланиб, шаҳримизнинг ёши икки минг йилдан ҳам ошган, дейиш мумкин.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

ФАХРИЙЛАРГА ЁРДАМ

«Тошкент тўқимачилик комбинати» ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида пенсионерларга ёрдам жамғармаси ташкил этилди. Яқинда бирлашманинг 60 йиллиги нишонланган эди. Шу муносабат билан жамғарма ҳисобидан фахрийларга беш минг сўмдан ёрдам пули берилди.

Жамғарма ўзининг ана шу биринчи хайрли ишига 25 миллион сўм сарфлади.

Жамғарма манбаининг асосий қисми комбинат фойдаси ажратмасидан иборат.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «Ҳожатбарор» ТАРҒИВОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ
МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25
БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

Қутлов

Қадрли Валида Умарова!

Сизни таваллуд топган кунингиз муносабати билан турмуш ўртоғингиз Қаҳрамон Умаров, барча қариндош-уруғлар, дугоналарингиз, мамлакатимиз пойтахти Тошкентнинг Сергели тумани 8-даҳасидаги болалар боғча-яслисида биргаликда ишлаётган ҳамкасбларингиз номидан чин қалбдан қутлаймиз. Сиз учун ғоят қувончли кунда муборакбод этар эканмиз, сиҳат-саломатлик, яхши кайфият тилаймиз. Оила дилбандлари — фарзандларингиз Лола, Зафар, Лобарларнинг доимо бағрида бўлишингизни, хонадон соғлиғи билан биргаликда уларнинг орзу-ҳавасини кўришингизни ният қиламиз.

Ҳурматли Уммат Мирзақулов!

Сизни туғилган кунингиз муносабати билан қадрдонингиз, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги матбуот маркази муҳаррири Ҳусанбой Аввалов, барча қариндош-уруғларингиз, ёр-биродарларингиз номидан йўлланаётган ушбу самимий табрикномани қабул этинг. Сиз учун ғоят қувончли кунда муборакбод этар эканмиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Оққўрғон тумани «Оққўрғон», давлат хўжалигидаги катта хонадонингизга қут-барака, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

ХЎЖАЛИК, КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ЭТИБОРИГА

ШОЛИ ПОХОЛИ, ҚАМИШ, ДАРАХТ ШОХ-ШАББАСИДАН—ТАХТА

ЕҒОЧ ЧИҚИНДИСИ, ҚИРИНДИЛАРИ, ШОЛИ ПОХОЛИ, ҚАМИШ, ДОВ-ДАРАХТЛАР ҲАМДА УСИМЛИКЛАРНИНГ ШОХ-ШАББАСИДАН ДСП ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? БУНИНГ УЧУН ТОШКЕНТДАГИ ТАШКИЛОТГА БУЮРТМА БЕРСАНГИЗ БАС, У ДСП ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСКУНАЛАР МАЖМУИНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ. ЎЗАРО КЕЛИШУВГА МУВОФИҚ БУ УСКУНАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ БАРЧА МИНТАҚАЛАРИГА ЕТКАЗИШНИ, УЛАРНИ ЎРНАТИБ, ЛИНИЯНИ ИШГА ТУШИРИБ БЕРИШНИ ҲАМ УШБУ ТАШКИЛОТ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ.

Мазкур ташкилот қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиб берувчи ускуналарни сотади.

Мулоқот учун телефон: 72-64-74(соат 15.00 дан 20.00 гача).

«РЕЗИДЕНТ» ҲАМ ҚОЙИЛ ҚОЛДИ

«Театр: Шарқ-Ғарб» халқаро фестивалининг «Ўзбекистон электроаппаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган бир куни шодиёнага айланди. Қуёш гўё кулиб боқди, меҳр ила йўғрилган нурларин сочди ва мустақил Ватанимизда ўтган фестивал қатнашчиларининг дилига илиқлик бахш этди. Улар бенихтиёр курраи заминда Ўзбекистон номини олган юрт борлигидан, унинг замини тароватли, халқи меҳнаткаш, ғўзал бозорларда ширин-шакар мевалар тўлиб тошганлигидан, меҳмондўст халқнинг бағри кенглигидан ҳайратда.

«Ўзбекистон электроаппаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида байрамона тус. Атласга бурканган, зар қалпоқларни дол қўйган қизларнинг юзларида шодон кулги ўйнайди. Белида белбоғи бор, зарбоф тўнга ўранган, шарқона дўппини бошга қўндирган йигитларнинг қўли кўксида меҳмонга пешвоз. Шоирлар, атоқли кишиларнинг ибратомуз сўзлари алвон матоларга муҳрланган. Айниқса, 6-тармоқда ўзгача файз. Француз драматурги Эдмон Ростаннинг «Сирано де Бержерак» пъесаси асосида безанган. Саҳна узра фаранглар диёрининг ранг— баранг байроқлари ҳилпирайди. Гўё ўнг томондаги замбаракка маросимга бағишлаб мушак отиш учун тайёрланишга буйруқ берилгандек, порох бочкалари очилган, ичидан эса порох ўрнига гул чиқибди... Ажаб, чап томондаги енгил, тунги чироқлар ўрнатилган пружиналик аробада «фаранг» хонимлари гурунг қилишади.

...4—5 та «Кароса» автобуслари дарвоза олдида тўхтади. Карнай-сурнай садолари остида фестивал қатнашчилари бирлашмага кириб келишди. Уларга Ўзбекистон Республикаси театр арбоблари иттифоқининг раиси, фестивал раҳбари, халқ артисти Бернора Қориева бошчилик қилмоқда. Меҳмонлар 6-тармоққа таклиф этилди. У ерда шўх мусиқа, йигитқизлар маҳорат билан ижро қилган рақслар барчага мамнунлик улашди. Танишувлар, қутловлар бошланди. Иғинни бирлашманинг бош раҳбари Абдуманноп Алимбоев, «Ассалому алайкум» сўзлари билан очганда олмонияликнинг ҳам, италиялик дўстимизнинг ҳам, инглизларнинг ҳам, қўйингчи барчанинг нигоҳида, шуурида ўзгариш юз берди. Бехосдан ҳамма ички бир ҳаяжон билан бош қимирлатиб, ўз тилларида жавоб айтишди.

Шундан кейин таниқли артист «Резидент» фильмлари бош ижрочиси Георгий Жженов, Бирлашган Миллатлар ташкилоти вакили ва Югославия фестивали раҳбари дил сўзларини изҳор этишди қатнашчиларни қутлаб, ташкилотчиларга ва мезбонларга ташаккур билдирдилар.

Фарғона йўли кўчасининг бирлашмага қарашли бекор ётган ҳудуди тозалаб, текисланган. Барча қатнашчилар шу ерга тўпланишди. Махсус минбарга ўрнатилган унолгичга уч киши яқинлашди. Ҳаяжонли онлар, диққат эътибор минбарга қадалган... Уч киши уч тилда бирлашманинг қурилажак театр биносининг қўйилажак пойдевори тагига ташланажак эсдалик хатини ўқидилар. Шундай қилиб, мамлакатимизда яна бир театр биноси барпо қилиниши учун қадам қўйилди.

Хуллас, меҳмонлар «Сирано де Бержерак» пьесасидан парча томоша қилиш билан, илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига ташрифни ниҳоясига етказишди. Улар озод юртимизнинг биргина корхонасида амалга оширилаётган ўзгаришлардан, хабардор бўлишди, Шаҳлохон Ҳамробоева, Наталья Флоренко, Алефтина Бердяева Ҳабибулла Худойбердиев каби илғорларнинг ўрнак олишга арзигулик ишлари билан танишдилар. Бирлашманинг бош раҳбари Абдуманноп Алимбоев меҳмонларга саҳнага қўйилаётган «Ричард-III» «Сирано де Бержерак» асарларининг дунёга келишидаги муаммолар, Қорасув ариғининг қирғоғига бунёд қилинажак чойхона ва ҳоказолар ҳақида гапириб берди.

Электроаппаратчилар фестивалга Уильям Шекспирнинг «Ричард-III» пьесасини тақдим қилишган. Бу асар Алишер Навоий номидаги театр биносида намойиш этилди.

Тўлқин ЕРҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: «Шарқ-Ғарб» халқаро театр фестивали қатнашчилари «Ўзбекистон электр аппаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида.

З. ПЕНСОН олган сурат.

Ирмоқлардан дарё бўлур

Рустам Очилов 1947 йилда Қарши туманидаги Бешкент қишлоғида туғилган. Мутахассислиги муҳандис-ирригатор. Техника фанлари номзоди. Ҳозирги пайтда Қарши бош канали ва насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи. У ёшлигидан адабиётга ихлос қўйганлиги туфайли ўзининг ички кечинмалари ва туйғуларини қоғозга туширади. 1992 йили «Дарё бу кўнгил» шеърлар тўплами «Насаф» нашриётида чоп этилган.

Қуйида Рустам Очилов ижодидан намуна босилди.

ТЕР ТЎКИБ ТОПГАНИНГ БУЮРСИН, БОЛАМ

Тириклик яшашга берилган имкон,
Ҳалол яшамоқлик эмасдир осон.
Шундай яшагинки, қийналмасин жон,
Виждонинг азобга қўйма, жон болам.
Умидла яшайди дунёда инсон,
Фақат қорин учун яшамоқ ёмон.
Орқангдан лаънатлар бир кун оломон,
Орзу умидларинг мўл бўлсин, болам.
Ота-она хизматини адо этиб ўт,
Шарму ҳаё уруғини ҳар ён экиб ўт,
Беморга шафқатни ҳиммат этиб ўт,
Қобил фарзанд бўлгин жоним, жон болам,
Бағритош бўлмагин фарзанд олдида,
Жоҳиллик уйғотар мурғак қалбида,
Такрорлар не кўрса қуш уясида,
Меҳрибон ота бўл, она бўл, болам.
Нури дийдам дейди она боласин,
Оппоғим деярмиш қўнғиз қорасин,
Тузатмоқ қийиндир кўнгил яросин,
Кўнглингни яралаб қўймагил, болам,
Қултум сувинг бўлса—бахтлисан болам,
Бурда нонинг бўлса—бахтлисан болам.
Ҳайиқмай яшашинг ўзи бир олам,
Тер тўкиб топганинг буюрсин, болам.
Нодон дўстларингдан кечгин вақтида,
Ёмондан асрасин отанг бахтига,
Суқланиб боқмагил мансаб тахтига,
Ёмондан яхшилик кутмагил, болам.
Дунёни сув босса, ит ялаб ичар,
Ким хасса йўнса, ким кафан бичар.
Хоинлар дўстидан ўйламай кечар,
Сотқинлар домига тушмагил, болам.
Хулқи бузилганнинг рисқи узилгай,
Йўғон нигичкалаб, ориқ узулгай,
Асабинг авайла— умринг чўзилгай,
Шўхлик қилма, тўқликка болам.
Энг оғирни билсанг, ғазабнинг юки,
Ғазабдан йиртилар юракнинг чоки,
Қайтмайди отилган милтиқнинг ўқи,
Ғазабинг вақтида тиёлгин, болам.
Иззатнинг асоси билсанг қаноат,
Боқийлик неъмати ўлмас саодат.
Манманлик дунёда энг ёмон одат,
Қаноат дурларин теролгин, болам.
Жанжалга ўч бўлар кўнгли ғаразлар,
Оламда кўп эрур ҳар хил маразлар,
Сенда камроқ бўлсин гина, аразлар,
Кенг қилгин феълингни, кенг қил, жон болам.
Хийлагар панд бериш йўлин излайди,
Иши битмагунча сени сизлайди,
Ҳожатин чиқаргач, боплаб тузлайди,
Тулкиларга кулгу бўлмагин, болам.
«Сиз» сўзини алмаштирма ҳеч «санга»,
Кўпол бўлсанг, обрў бўлар бир танга.
Тортишганда ҳеч бормагил сан-манга,
Сенга ақл берсин Тангри, жон болам.
Дилимда кўп ҳали насиҳатларим,
Ўзим ҳам билмаган кўп ҳикматларим,
Кўпласин ҳар ишда зўр умматларим,
Сўзларим мағзини чаққил, жон болам.

Афгонистоннинг "Ҳайдар Жоз жони" С° ЛТД ва "Саид Камол Саодат" С° ЛТД фирмалари қуйидаги маҳсулотларни

улгуржи сотиб олишни таклиф этади:

– эркаклар пойафзаллари (Ҳиндистонда тайёрланган);
– аёллар кўйлагибоп газмоллар (Кореяда тайёрланган);
– "Супра" ва "Шиваки" видеоплеерлари (Японияда тайёрланган);
– "555" ва "Жон плеер спейшл" сигареталари (Англияда тайёрланган).

Мурожаат учун манзилгоҳ:
Тошкент, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй. "Метрополигенералэлектроник" дўкони.
Телефонлар: 34-22-44, 34-43-73.

ҚАТИҚ ХОСИЯТИ

Сутни зарарли микроблардан сақлаш учун буғда қиздиришни ифодаловчи пастеризация ибораси буюк француз олими Луи Пастер номидан олинган. Қадим юнон элида бир йигит буйрак хасталигига мубтало бўлиб қолади, уни ҳеч ким дамолай олмайди. Сўнг хаста энг машҳур ҳаким Гиппократга мурожаат қилади. Уша даврда буйрак хасталигини даволайдиган ҳар хил дориворлар ва гиёҳлар бор эди. Буларнинг кучи шу хасталикни тузата олмаслигига ишонган Гиппократ кунига уч маҳал бия сутидан ичитилган қатиқнинг зардобидан ичишни тавсия қилди. Ўн кун ўтгандан сўнг эса сигир қатиғидан ажратилган зардобдан ичиб юришни буюради. Бир неча ойда йигит тузалиб кетади.

Дарвоқе, жигардек ивиган қатиқнинг минг бир хосияти бор экан. У тўйимлилиги жиҳатидан сутдан қолишмайди, мойли ва мойсиз бўлади. Таркибида оқсил, сут кислотаси, газ ва углекислота бўлиб, улар тотли таъм беради, кишининг асаб тизимига ва юрагига ҳайрли таъсир этади. У иштаҳа очиш билан бирга даволаш ҳамда парҳез хусусиятларига эга.

Қатиқдаги сут кислота ва ачитувчи бактериялар ошқозон ширасини кўпайтириб, ошқозон ва ичакли хасталик қўзғатувчи ҳамда чиритувчи микробларни йўқотади. Овқатни ҳазм қилишда фаол хизмат қилади, жигар ва ичаклар фаолиятини ривожлантиради.

Қатиқни мунтазам равишда овқатдан олдин ичиб туриш ғоят фойдали.

Шоилёс ШОҲАЙДАР ўғли тўплади.

Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик-саноат мажмуини моддий-техникавий таъминлаш ва техника ўзатиш давлат-ширкат қўмитаси жамоаси «Қорақалпоғистонқишхўжтаъминоттаъмирлаш» қўмитасининг раиси Рашид Досумовга турмуш ўртоғи

Зульфира ДОСУМОВАнинг

фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома- таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Э. ЗИКРИЁЕВ, Р. ҲУСАНОВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ГОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ,

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 000096. Буюртма П. 585. 28880 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2, Босишга топшириш вақти. 21.00. Босишга топширилди —21.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6